ISSN 218-8088

# XALQ TA'LIMI AXBOROTNOMASI

"XALQ  TA'LIMI AXBOROTNOMASI" JURNALI

**Muassis:**
"Xalq ta'limi" jurnali tahririyati DUK

# PUBLIC  EDUCATION  BULLETIN

"PUBLIC  EDUCATION  BULLETIN" JOURNAL

**2016**

**1-son**
(yanvar-fevral)

2015-yildan chiqa boshlagan

(O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi vazirligining 2014-yil 17-maydagi 137-sonli buyrug'i bilan tashkil etilgan)

TOSHKENT

Umumiy o‘rta ta’lim muassasasi qoshidagi logopediya shoxobchasi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida **2015-yil 25-sentabrdagi 22-mh, N-36 va 39-qq-sonli qaror** ..... 5

Tarbiyalash (patronat) uchun oilalarga beriladigan yetim bolalarni kiyim-bosh, poyabzal bilan ta’minlash hamda bolani o‘z tarbiyasiga olgan tutingan ota-onalarga har oylik nafaqa to‘lash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar va qo‘shimcha kiritish haqida **2015-yil 25-sentabrdagi 21-mh va N-84-sonli qaror** ..... 18

O‘quv mashg‘ulotlarini o‘tkazganlik uchun mehnatga soatbay haq to‘lash miqdorlarini tasdiqlash to‘g‘risidagi **2015-yil 12-oktabrdagi N-6-2015, N-24-mh va N-42/qq-sonli qaror** ..... 28

O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligi tasarrufidagi Sportning milliy kurash turiga ixtisoslashtirilgan maktab-internatga o‘quvchilarni tanlab olish tartibi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida **2015-yil 02-noyabrdagi 25-mh va N-21-sonli qaror** .. 34

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 3-dekabrdagi “Oliy va o‘rta maxsus, kasb-hunar ta'limi muassasalarining boshqaruv kadrlari zaxirasini maqsadli o‘qitishni tashkil etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 351-son qarori ijrosini ta’minlash bo’yicha **2015-yil 7-dekabrdagi 318-sonli** buyruq ..... 48

O‘zbekiston Respublikasida 2016-yilda yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishga qaratilgan qo‘shimcha chora-tadbirlar Dasturida belgilangan vazifalar ijrosini ta’minlash to‘g‘risida **2015-yil 14-dekabrdagi 322-sonli** buyruq ..... 51

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 17-dekabrdagi 365-sonli qarori ijrosini ta’minlash to‘g‘risida **2015-yil 19-dekabrdagi 327-sonli** buyruq ..... 80

Umumta’lim maktablarini darsliklar va o‘quv-metodik qo‘llanmalar bilan ta’minlash tartibi to‘g‘risidagi nizomga o‘zgartirishlar kiritish haqida **2015-yil 21-dekabrdagi 27-mh-son, 106-son, 24-son va 10-sonli qaror** ..... 83

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2015-yil 22-dekabrdagi PQ-2455-sonli qarorining ijrosi to‘g‘risida **2015-yil 24-dekabrdagi 331-sonli** buyruq ..... 86

“Kamalak yulduzlari” bolalar ijodiyoti festivali respublika bosqichi g‘oliblari ishtirokidagi yakuniy gala-kontsertni o‘tkazish to‘g‘risida **2015-yil 24-dekabrdagi 332-sonli** buyruq ..... 89

Vazirlar Mahkamasining 2015-yil 22-dekabrdagi 1026-F-sonli farmoyishi ijrosini ta’minlash to‘g‘risida **2015-yil 24-dekabrdagi 333-sonli** buyruq ..... 95

O‘zbekiston Respublikasida 2016-yilda yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishga qaratilgan qo‘shimcha chora-tadbirlar Dasturida belgilangan vazifalar ijrosini o‘z vaqtida sifatli bajarilishini ta’minlash to‘g‘risida **2015-yil 25-dekabrdagi 334-sonli** buyruq ..... 100

Xalq ta’limi tizimidagi ta’lim muassasalari o‘qituvchilari o‘rtasida “Eng yaxshi dars ishlanmasi” ko‘rik-tanlovini o‘tkazish to‘g‘risida **2015-yil 30-dekabrdagi 343-sonli** buyruq ..... 103

# KIRISH

2015-yil ulkan yutuqlar, o‘zgarish va bunyodkorlik yili sifatida tarix zarvaraqlariga muhrlandi. Yangi – 2016-yilga qadam qo‘ydik. Bu yil muhtaram Prezidentimiz Islom Karimov tashabbusi bilan Sog‘lom ona va bola yili deb e’lon qilindi.

Yangi yil ham avvalgi yillarning mantiqiy davomi sifatida buyuk davlat, kuchli fuqarolik jamiyati qurishda barcha sohalarda ulkan muvaffaqiyatlarga boy davr bo‘lishiga ishonamiz.

Xalq ta’limi tizimida ham yangi yilda yangidan-yangi tashabbuslar, yangiliklar amaliyotga tatbiq etilib, yosh avlodning jismonan sog‘lom, ma’nan barkamol bo‘lib ulg‘ayishi, ular ongiga Vatanga sadoqat, elga xizmat, milliy qadriyatlarimizga hurmat ruhini singdirish kabi ezgu amallar davom ettiriladi.

Sir emas, har bir sohaning ravnaq topshida, avvalo, shu sohada qabul qilinayotgan qonunlar va qonunosti hujjatlari va ularning amaliyotga nechog‘li tatbiq etilishiga bevosita bog‘liq. Shu ma’noda xalq ta’limi tizimida amalga oshirilayotgan ishlar, qabul qilinayotgan buyruq va yo‘riqnomalar bugun yurtimizda barkamol avlodning yuksak insoniy fazilatlar bilan voyaga yetkazishda muhim dasturilamal bo‘lib xizmat qilmoqda.

Sohaga doir qabul qilinayotgan buyruqlarni ta’lim muassasalariga yetkazib berishda “Xalq ta’lim axborotnomasi” jurnali muhim ahamiyat kasb etadi. Shuni inobatga olib nashrimiz sahifalarida O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirligining buyruqlari muntazam berib borilmoqda.

Ushbu sonda O‘zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi vazirining 2015-yil 30-dekabrdagi “Xalq ta’limi tizimidagi ta’lim muassasalari o‘qituvchilari o‘rtasida “Eng yaxshi dars ishlanmasi” ko‘rik-tanlovini o‘tkazish to‘g‘risida”gi buyrug‘i sohada to‘plangan tajribalarni ommalashtirish bilan birga, ta’lim muassasalari o‘qituvchi-pedagoglari o‘rtasida o‘zaro hurmat va tajriba almashish imkonini yaratadi. Zotan, ko‘rik-tanlovni o‘tkazishdan ko‘zlangan maqsad ham tizimdagi yuqori malakali o‘qituvchilarni aniqlash va ularning nufuzini oshirish, innovatsion faoliyatga jalb qilish, o‘z ijodi va mahoratini namoyish etishi uchun sog‘lom raqobat va ijodkorlik muhitini yaratishdan iborat.

Bugungi kunning o‘ta dolzarb vazifalaridan biri bu, shubhasiz, yoshlarni milliy ma’naviyatimizga zid turli xurujlar, ayniqsa, “ommaviy madaniyat” niqobi ostidagi illatlardan asrash, diniy ekstremizm, terrorizm kabi ma’naviy tahdidlardan himoya qilish nainki pedagog yoki o‘qituvchilarning, balki barchaning burchidir.

Bu borada davlatimiz va hukumatimiz tomonidan qabul qilinayotgan qarorlarga so‘zsiz rioya qilish va shu hujjatlarning mazmun-mohiyatini aholi, xususan, yoshlar o‘rtasida keng targ‘ib qilish zarur.

Ushbu yo‘nalishda Xalq ta’limi vazirining 2015-yil 14-dekabr kuni qabul qilingan “O‘zbekiston Respublikasida 2016-yilda yoshlarga oid davlat siyosatini amalga oshirishga qaratilgan qo‘shimcha chora-tadbirlar Dasturida belgilangan vazifalar ijrosini ta’minlash to‘g‘risida”gi buyrug‘i yoshlar bilan shug‘ullanuvchi, ularga ta’lim beruvchi va kasb-hunar o‘rgatuvchi xodimning muhim qo‘llanmasi bo‘lishi kerak.

Buyruqda Dasturning mazmun-mohiyatini, unda belgilangan vazifalarni hamda mamlakatimizda o‘quvchi-yoshlarning barkamol avlod bo‘lib voyaga yetishishlari uchun barcha shart-sharoitlarning yaratilganligi haqida ta’lim muassasalarida, pedagogik jamoalar va ota-onalar o‘rtasida davra suhbatlari tashkil etish, o‘quvchilar uchun “Ertalabki saflanish”, “Tarbiyaviy soatlar” va “”Manaviyat kunlari”da tushuntirish ishlarini olib borish tavsiya etilgan.

Shuningdek, bugun ta’lim tizimini yanada rivojlantirishda qator vazirlik va idoralar hamkorlikda ish olib borayotgani yaxshi samara bermoqda. Xususan, 2015-yil 26-oktyabrda O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2722-son bilan ro‘yxatga olingan, Xalq ta’limi, Sog‘liqni saqlash hamda Mehnat va aholini ijtimoiy muhofaza qilish vazirliklarining “Umumiy o‘rta ta’lim muassasasi qoshidagi logopediya shoxobchasi to‘g‘risidagi nizomni tasdiqlash haqida”gi qarori ham sohada katta voqea bo‘ldi.

Ushbu qaror bilan tasdiqlangan nizom asosida logopediya shoxobchasi umumiy o‘rta ta’lim muassasalari boshlang‘ich sinf o‘quvchilarining fanlar bo‘yicha o‘quv dasturlarini o‘zlashtirishlariga to‘sqinlik qiluvchi nutq nuqsonlarining oldini olish va ularni bartaraf etish, jismoniy va psixik rivojlanishidagi kamchiliklarni korreksiyalash, o‘quvchilarning og‘zaki nutqidagi nuqsonlarini bartaraf etishda, ularning jismoniy, intellektual, ma’naviy va axloqiy kamol topishida pedagoglar va o‘quvchilarning ota-onalari yoki ularning o‘rnini bosuvchi shaxslarga yordam ko‘rsatish uchun tashkil etiladi.

Yurtimiz tobora taraqqiy etib borayotganini barcha sohalar qatori xalq ta’limi tizimida ham kuzatish mumkin.

Muxtasar aytganda, yuqorida nomlari zikr etilgan buyruqlari sohani yanada rivojlantirishga xizmat qiladi. Buning uchun, avvalo, tizimda xizmat qilayotgan har bir rahbar, murabbiy, o‘qituvchi, pedagog ushbu hujjatlarga qat’iy rioya qilishi talab etiladi.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ

## Қ А Р О Р И

## УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ҚОШИДАГИ ЛОГОПЕДИЯ ШОХОБЧАСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 26 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2722**

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Умумий ўрта таълим муассасаси қошидаги логопедия шохобчаси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири** **У. Иноятов**
*Тошкент ш.,*
*2015 йил 25 сентябрь,*
*22-мҳ-сон*

**Соғлиқни сақлаш вазири** **А. Алимов**
*Тошкент ш.,*
*2015 йил 25 сентябрь,*
*36-сон*

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири** **А. Абдуҳакимов**
*Тошкент ш.,*
*2015 йил 25 сентябрь,*
*39-қ/қ-сон*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида*
*2015 йил 26 октябрда 2722-сон билан рўйхатга олинган*
*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,*
*Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий*
*муҳофаза қилиш вазирлигининг 2015 йил 25 сентябрдаги*
*22-мҳ, 36, 39-ҚҚ-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## Умумий ўрта таълим муассасаси қошидаги логопедия шохобчаси тўғрисидаги НИЗОМ

Муқаддима
1-боб. Умумий қоидалар
2-боб. Логопедия шохобчасига қабул қилинадиган ўқувчилар рўйхатини шакллантириш
3-боб. Логопедия шохобчаларини ташкил этиш
4-боб. Логопедия шохобчасида коррекцион жараённи ташкил этиш
5-боб. Логопедия шохобчасида педагогик фаолият билан шуғулланиш
6-боб. Якуний қоидалар
1-илова. Логопедия шохобчаси таъминланиши лозим бўлган жиҳозлар рўйхати
2-илова. Логопедия шохобчаси ўқитувчи-логопедининг намунавий йиллик иш режаси
3-илова. Нутқ харитаси

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонунларига мувофиқ, умумий ўрта таълим муассасаси қошидаги логопедия шохобчасининг (бундан буён матнда логопедия шохобчаси деб юритилади) фаолият юритиш тартибини белгилайди.

## 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Логопедия шохобчаси умумий ўрта таълим муассасалари (бундан буён матнда умумтаълим муассасаси деб юритилади) бошланғич синф ўқувчиларининг фанлар бўйича ўқув дастурларини ўзлаштиришларига тўсқинлик қилувчи нутқ нуқсонларининг ол-

дини олиш ва уларни бартараф этиш, жисмоний ва психик ривожланишидаги камчиликларни коррекциялаш, ўқувчиларнинг оғзаки нутқидаги нуқсонларини бартараф этишда, уларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишида педагоглар ва ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга (бундан буён матнда ота-оналар деб юритилади) ёрдам кўрсатиш учун ташкил этилади.

2. Логопедия шохобчаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига, ушбу Низомга ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

Логопедия шохобчаларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан мувофиқлаштирилади.

3. Логопедия шохобчасининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўқув дастурларини ўзлаштиришларига тўсқинлик қилувчи нутқ нуқсонларининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш;

мураккаб нутқ нуқсонига эга бўлган, жисмоний ва психик ривожланишида камчиликлари бўлган ўқувчилар билан коррекцион машғулотларни олиб бориш;

машғулот жараёнида ўқувчиларнинг нутқ аъзоларини тизимли равишда кузатиб бориш;

ўқувчининг ўқув дастурларини онгли равишда танлаши ва ўзлаштиришига кўмаклашиш;

ўқувчилар нутқ нуқсонларининг олдини олиш ва уларни бартараф этишга доир логопедик билимларни таълим жараёни иштирокчилари, ўқитувчилар ва аҳоли ўртасида тарғиб қилиш.

## 2-БОБ. ЛОГОПЕДИЯ ШОХОБЧАСИГА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИГАН ЎҚУВЧИЛАР РЎЙХАТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

4. Логопедия шохобчасига қабул қилинадиган ўқувчиларни аниқлаш ва саралаб олиш учун ҳар йили сентябрь ойининг 3-санасига қадар умумтаълим муассасаси директорининг буйруғига мувофиқ ишчи гуруҳ тузилади.

5. Ишчи гуруҳ камида 5 нафардан иборат таркибда қуйидагича тузилади:

ишчи гуруҳ раиси - умумтаълим муассасасининг директори;

ишчи гуруҳ раиси ўринбосари - умумтаълим муассасасининг психологи (умумтаълим муассасасида психолог бўлмаганда бошқа шахсга юклатилади);

ишчи гуруҳ аъзолари - умумтаълим муассасаси бириктирилган логопедия шохобчаси мудири, бошланғич синф ўқитувчилари ва умумтаълим муассасасига бириктирилган тиббиёт ходими;

ишчи гуруҳ котиби - бошланғич синф ўқитувчиларидан бири.

6. Логопедия шохобчасига оғзаки нутқ нуқсонлари ва товушлар талаффузида камчиликлари аниқланган, ташхис натижалари қуйидагича бўлган ўқувчилар қабул қилинади:

I ва III даражали нутқи тўлиқ ривожланмаган I синф ўқувчилари;

товушлар талаффузида камчиликлари бўлган I-IV синф ўқувчилари;

нутқ аппарати аъзоларининг тузилиши ва ҳаракатида нуқсонлари (ринолалия, дизартрия, дудуқланиш) бўлган I-IV синф ўқувчилари.

7. Нутқий ривожланишида камчилиги бўлган ўқувчиларнинг жисмоний ва психик ҳолатларига аниқлик киритиш мақсадида улар туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаси мутахассислари (невропатолог, психоневролог, отоларинголог ва бошқалар) текширувига юборилади. Ушбу мутахассисларнинг хулосалари логопедия шохобчасида (ўқувчининг шахсий йиғмажилдида) сақланади.

8. Ишчи гуруҳ томонидан нуқсонлари аниқланган ўқувчилар рўйхати умумтаълим муассасаси директори томонидан тасдиқланади ва сентябрь ойининг 15-санасигача халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимига тақдим қилинади.

Ўқув йили давомида оғзаки нутқ нуқсони ва товуш талаффузида камчиликлари мавжуд бўлган ўқувчилар аниқланганда, улар ишчи гуруҳ томонидан мазкур Низомда белгиланган тартибда логопедия шохобчасига қабул қилинади.

## 3-БОБ. ЛОГОПЕДИЯ ШОХОБЧАЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

9. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг Ўқувчиларни касбга йўналтиришни ва педагогик-психологик диагностикасини методик таъминлаш кичик гуруҳи умумтаълим муассасалари томонидан тақдим этилган ўқувчилар рўйхати асосида ҳар йили сентябрь ойининг 25-санасига қадар тегишли туман (шаҳар) бўйича логопедия шохобчаларининг сони ва уларнинг жойлашув дислокациясини ишлаб чиқади.

10. Логопедия шохобчаси тегишли халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мудирининг буйруғи билан ташкил этилади.

11. Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлими мудирининг буйруғига мувофиқ, ҳар бир логопедия шохобчасига бир ёки бир нечта яқин масофада жойлашган умумтаълим муассасалари бириктирилади.

Бир нечта умумтаълим муассасалари бириктирилган логопедия шохобчаси унинг учун жой ажратиш имкониятига эга бўлган ҳамда бошқа умумтаълим муассасаларига қатнаш учун қулай жойлашган умумтаълим муассасасида ташкил этилади.

12. Логопедия шохобчаси ташкил этилган умумтаълим муассасаси раҳбарияти томонидан логопедия шохобчаси учун бошланғич синфларга яқин жойда тегишли санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига жавоб берадиган, умумий майдони 20 кв. метрдан кам бўлмаган хона ажратилади.

Логопедия шохобчаси мазкур Низомнинг 1-иловасидаги талабларга мувофиқ жиҳозланади.

## 4-БОБ. ЛОГОПЕДИЯ ШОХОБЧАСИДА КОРРЕКЦИОН ЖАРАЁННИ ТАШКИЛ ЭТИШ

13. Логопедия шохобчасида ўқувчиларга коррекцион-логопедик ёрдам кўрсатилади.

Ўқув-коррекцион машғулотлар гуруҳли ва якка (индивидуал) тартибда, умумтаълим муассасаси раҳбарияти билан келишилган жадвал асосида дарсдан ташқари вақтда ўтказилади.

14. Гуруҳларга нуқсонлари ўхшаш бўлган бир хил ёшдаги ўқувчилар қабул қилинади. Бир хил ёшдаги ўқувчилар сони кам бўлган ҳолларда, ёшидан қатъи назар, бошланғич синф ўқувчилари бир гуруҳга жамланиши мумкин.

15. Гуруҳли ва якка (индивидуал) тартибда олиб бориладиган машғулотларнинг давомийлиги болаларда учрайдиган нутқ нуқсонларининг оғир ёки енгил даражасига кўра қуйидагича белгиланади:

нутқи тўлиқ ривожланмаган 8-10 нафар I синф ўқувчиларига гуруҳли тарзда 40 - 45 дақиқадан, бир ўқув йили давомида ҳафтасига икки мартадан;

товуш талаффузида камчиликлари бўлган 8-10 нафар I-IV синф ўқувчиларига гуруҳли тарзда 40 - 45 дақиқадан, бир ўқув йили давомида ҳафтасига уч мартадан;

нутқ аппарати аъзоларининг тузилиши ва ҳаракатида нуқсонлари (ринолалия, дизартрия, дудуқланиш) бўлган I-IV синф ўқувчилари билан якка (индивидуал) тартибда 15 дақиқадан, нутқ нуқсони бартараф этилгунга қадар ҳафтасига уч мартадан.

16. Нутқ нуқсонлари бартараф этилган ўқувчилар логопедия шохобчаси мудирининг ишчи гуруҳ билан келишилган хулосасига асосан ўқув йилининг 15-25 май кунлари логопедия шохобчаси ўқувчилари сафидан чиқарилади.

## 5-БОБ. ЛОГОПЕДИЯ ШОХОБЧАСИДА ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТ БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШ

17. Логопедия шохобчасида ўқитувчи-логопед лавозимида олий маълумотли ўқитувчи-логопедлар ва дефектологлар фаолият юритиши мумкин.

18. Ўқитувчи-логопед штат бирликлари логопедия шохобчасига бириктирилган умумтаълим муассасаларида мавжуд ҳар 25 та бошланғич синфга 1,0 бирлик (20 та бошланғич синфга 0,8 бирлик, 30 та бошланғич синфга 1,2 бирлик) ҳисобидан ҳафталик иш юкламаси 18 ўқув соатидан ошмаган ҳолда, мазкур Низомнинг 15-бандида кўрсатилган меъёрларга кўра белгиланадиган ўқувчилар гуруҳлари ва ҳафталик машғулотлар соатларидан келиб чиқиб киритилади.

19. Ўқитувчи-логопедларни ишга қабул қилиш ҳамда улар билан меҳнат шартномаларини бекор қилиш халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг тавсиясига асосан логопедия шохобчаси жойлашган умумтаълим муассасаси директорининг буйруғи билан меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилади.

Ўқитувчи-логопедларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, моддий рағбатлантириш, вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси ва меҳнат таътилига ҳақ тўлаш учун зарур маблағлар логопедия шохобчаси жойлашган умумтаълим муассасасининг харажатлар сметасида назарда тутилади.

20. Ўқитувчи-логопедларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

мазкур Низом ва умумтаълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларига риоя этиш;

мазкур Низомнинг 2-иловасида кўрсатилган намунавий йиллик иш режа асосида йиллик шахсий иш режа, ўқув йилига тақвимий-мавзуий режа, машғулотлар жадвалини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш

учун умумтаълим муассасасининг педагогик кенгашига тақдим этиш;

нутқий ривожланишида муаммолари бўлган ўқувчиларнинг артикуляцион аъзоларини, нутқ нуқсонларини текшириш натижасига кўра мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ нутқ харитасини ва синф журналини юритиш;

ўқувчиларнинг фанлар бўйича ўқув дастурларини ўзлаштиришларига тўсқинлик қилувчи нутқ нуқсонларининг олдини олиш, улардаги мавжуд нутқ нуқсонининг турини ва ифодаланиш даражасини аниқлаш;

машғулотлар ўтказиш учун гуруҳлар ташкил қилиш, кундалик машғулотлар ишланмасини тайёрлаш, гуруҳли ва якка (индивидуал) тартибда машғулотлар ўтказиш орқали артикуляцион органлардаги нуқсонларни тўғрилаш, нутқ нуқсонлари натижасида келиб чиққан психик бузилишларни коррекциялаш;

умумтаълим муассасаси ўқитувчилари ва ота-оналарга нутқий ривожланишида муаммолари бўлган ўқувчиларга ёрдам кўрсатишнинг махсус усулларини қўллаш бўйича маслаҳатлар бериш;

ўз касбий малакасини мунтазам равишда ошириб бориш, услубий бирлашмалар фаолиятида ва бошқа методик ишларда иштирок этиш.

21. Ўқувчиларнинг гуруҳларга қатнашиш давоматини қайд этиб бориш учун синф журнали юритилади ҳамда ҳар бир гуруҳга махсус саҳифалар ажратилади.

Якка (индивидуал) тартибда машғулотлар олиб бориладиган ўқувчилар учун синф журналида алоҳида саҳифалар ажратилади ҳамда улар ҳам гуруҳли машғулотлар каби тўлдирилади.

Журналнинг охирги бетларида логопедия шохобчасига қабул қилинган ҳар бир ўқувчининг фамилияси, исми, отасининг исми, синфи, уй манзили, логопедия шохобчасига қабул қилинган вақти, нутқий ёки умумий ривожланишидаги камчиликлари, логопедия шохобчасидан чиқарилган вақти, умумий ва нутқий ривожланиш ҳолати, ўқув фанларини ўзлаштиришидаги камчилик ва муаммоларини бартараф этиш бўйича тавсиялар киритиб борилади.

22. Логопедия шохобчасига ўқитувчи-логопедлардан бири, шохобчада битта ўқитувчи-логопед бўлган тақдирда эса, унинг ўзи мудирлик қилади.

23. Логопедия шохобчаси мудири халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимининг Ўқувчиларни касбга йўналтиришни ва педагогик-психологик диагностикасини методик таъминлаш кичик гуруҳига ўқув йили давомида амалга оширилган ишлар юзасидан ҳар чорак якуни

бўйича кейинги ойнинг 15-санасига қадар қуйидаги ҳисоботларни топширади:

ўқитувчи-логопедлар йиллик шахсий иш режасининг бажарилиш ҳолати;

ўқувчилар контингентининг ўзгариш динамикаси;

ўқувчиларнинг нутқ нуқсонларини бартараф этиш кўрсаткичлари.

## 6-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

24. Мазкур Низомда белгиланган талаблар асосида янги логопедия шохобчаси ташкил этилиши лозим бўлган туман (шаҳар)ларда (биринчи навбатда нутқида нуқсони бўлган ўқувчилар контингенти энг юқори жойларда) ҳар ўқув йилида биттадан, Нукус шаҳри ва вилоятлар марказларида эса иккитадан логопедия шохобчаси ташкил этилади.

25. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

*Низомга*
*1-ИЛОВА*

**Логопедия шохобчаси таъминланиши лозим бўлган жиҳозлар**
**РЎЙХАТИ**

| Т/р | Зарур ўқув анжомлари номи | Миқдори |
|---|---|---|
| 1. | Якка ҳолда шуғулланиш учун дераза ёнига осилган 50 х 100 см ли деворий кўзгу | 1 дона |
| 2. | Электр ёритқич (деворий кўзгу учун) | 1 дона |
| 3. | Ўқувчилар сонига қараб 9 х 12 см ли кўзгу | 10 дона |
| 4. | Ўқувчилар учун парта | 5 дона |
| 5. | Синф доскаси | 1 дона |
| 6. | Ўқитувчи-логопед учун стол, стул | 1 комплект |
| 7. | Кўргазмали қуроллар учун шкаф | 2 дона |
| 8. | Стул | 10 дона |
| 9. | Логопедик зонд, шпатель | 1 комплект |
| 10. | Кесма ҳарф ва бўғинлар жамланмаси | 10 дона |
| 11. | Деворий ҳарф кассаси | 1 комплект |
| 12. | Ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқини текширишда ишлатиладиган кўргазмали материаллар | ўқувчилар сонидан келиб чиққан ҳолда |
| 13. | Предметли, мазмунли ва серияли кўргазмали расмлар | ўқувчилар сонидан келиб чиққан ҳолда |
| 14. | Дафтар ва ўқув қўлланмалар | ўқувчилар сонидан келиб чиққан ҳолда |
| 15. | Турли мақсадда ишлатиладиган дидактик ўйинчоқлар | ўқувчилар сонидан келиб чиққан ҳолда |
| 16. | Методик адабиётлар | ўқувчилар сонидан келиб чиққан ҳолда |
| 17. | Сочиқ ва совун | ўқувчилар сонидан келиб чиққан ҳолда |

*Низомга*
*2-ИЛОВА*

**Логопедия шохобчаси ўқитувчи-логопедининг**
**НАМУНАВИЙ ЙИЛЛИК ИШ РЕЖАСИ**

| Т/р | Йўналишлар ва иш турлари | Иш юкламаси (соат) |
|---|---|---|
| | **Умумий йиллик иш юкламаси** | **1548** |
| **1.** | **Ўқув-тарбия жараёни** | **896** |
| | Ўқувчиларнинг ҳужжатлари билан ишлаш, ўқувчилар нутқини текшириш, гуруҳлар тузиш, хулоса ёзиш (1 - 15 сентябрь, 16 - 31 май). | 72 |
| | **Логопедик машғулот соатлари** | **540** |
| | Ўқувчилар дафтарларини тайёрлаш, ёзма ишларини текшириш. | 152 |
| | Ота-оналарга маслаҳатлар бериш. | 34 |
| | Ўқувчилар билан якка тартибда ишлаш. | 98 |
| **2.** | **Ўқув-тарбия жараёнининг методик таъминоти** | **520** |
| | Гуруҳли ва якка (индивидуал) тартибда олиб бориладиган машғулотлар режаларини тузиш, логопедик машғулотларга тайёргарлик кўриш. | 418 |
| | Логопедлар ва бошланғич синф ўқитувчилари билан ўзаро дарс машғулотларини кузатиш. | 34 |
| | Педагогик кенгашларда, услубий бирлашмалар йиғилишларида, шаҳар (туман) семинарлари, конференциялар, тренингларда иштирок этиш, билим даражасини ошириб бориш, очиқ машғулотлар ва дарсдан ташқари тадбирлар ўтказиш ва уларда иштирок этиш. | 34 |
| | Тарқатма ва дидактик жиҳозлар тайёрлаш, тест тузиш ва тақдимотлар тайёрлаш, логопедия шохобчасини жиҳозлаш ишларини бажариш. | 34 |
| **3.** | **Ташкилий-педагогик фаолият** | **132** |
| | Давомат журналини тўлдириш, ҳисоботлар тайёрлаш. | 62 |

| | | |
|---|---|---|
| | Логопедик гуруҳларга олинган болаларнинг нутқ хариталарини тўлдириш. | 34 |
| | Бошланғич синф ўқитувчилари, психолог, мактаб ва туман тиббиёт ходимлари, мактабгача таълим муассасалари ходимлари билан ҳамкорликда ишлар олиб бориш, тиббий-психологик-педагогик комиссиялар фаолиятида, умумтаълим муассасасининг жамоат ишларида иштирок этиш. | 36 |

***Изоҳ:** ўқитувчи-логопеднинг иш вақти йил давомида 43 иш ҳафтаси, ҳафталик 36 соатни ташкил қилади. Ўқув жараёни йилига 34 ҳафта, ўқув дарс соатлари ҳафтасига 18 соатдан олиб борилади.*

***Низомга***
***3-ИЛОВА***

## НУТҚ ХАРИТАСИ

| | | |
|---|---|---|
| ***1.*** | ***Ўқувчи ҳақидаги умумий маълумотлар:*** | |
| | *Фамилияси, исми, отасининг исми* | |
| | *Туғилган санаси* | |
| | *Яшаш манзили* | |
| | *Ўқиш жойи, синфи* | |
| | *Логопедия шохобчасига қабул қилинган вақти* | |
| | *Ўқитувчи ва ота-онанинг шикояти* | |
| | *Психоневролог хулосаси* | |
| ***2.*** | *Ўқувчининг нутқига умумий тавсиф:* | |
| | *нутқнинг суръати ва равонлиги* | |
| | *Овоз* | |
| ***3.*** | ***Артикуляцион аппаратнинг анатомик тузилиши ва ҳаракатчанлигини текшириш:*** | |
| | *лаблар* | |
| | *тил* | |
| | *жағлар* | |
| | *тишлар* | |
| | *қаттиқ танглай* | |
| | *юмшоқ танглай* | |
| ***4.*** | ***Товушлар талаффузини текшириш:*** | |
| | *сўз бошида* | |
| | *сўз ўртасида* | |
| | *сўз охирида* | |
| ***5.*** | ***Фонематик ўқуви, товушлар дифференциацияси:*** | |

| | ***Б-П*** | ***Д-Т*** | ***С-З*** | ***З-Ж*** | ***С-Ш*** | ***Р-Л*** | ***М-Н*** | ***Г-К*** | ***Г-Ғ*** | ***К-Қ*** | ***Х-Ҳ*** |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | | |

| | | |
|---|---|---|
| **6.** | ***Мураккаб бўғинли сўзларни талаффуз қилиш:*** | |
| **7.** | ***Умумий моторика ҳолатини текшириш:*** | |
| | *ҳаракат координацияси* | |
| | *майда қўл мускуллари ҳаракати* | |
| **8.** | ***Луғат бойлиги:*** | |
| | *предметларни номлаш* | |
| **9.** | ***Ўқиш техникасини эгаллаш даражаси:*** | |
| | *ҳарфлаб, бўғинлаб, сидирғасига ўқиш* | |
| **10.** | ***Дудуқланишнинг намоён бўлиши:*** | |
| | *сабаблари* | |
| | *тури* | |
| **11.** | ***Ўқитувчи-логопеднинг хулосаси:*** | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |
| | | |

20__ йил “____” ____________

Ўқитувчи-логопед ______________ ________________________
(имзо) (Ф.И.О.)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ

## Қ А Р О Р И

ТАРБИЯЛАШ (ПАТРОНАТ) УЧУН ОИЛАЛАРГА БЕРИЛАДИГАН ЕТИМ БОЛАЛАРНИ КИЙИМ-БОШ, ПОЙАБЗАЛ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ҲАМДА БОЛАНИ ЎЗ ТАРБИЯСИГА ОЛГАН ТУТИНГАН ОТА-ОНАЛАРГА ҲАР ОЙЛИК НАФАҚА ТЎЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР ВА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1189-1**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 1 мартдаги 52-сон "Халқ таълими ҳудудий органлари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлиги

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2002 йил 21 октябрдаги 87, 121-сон қарори (рўйхат рақами 1189, 2002 йил 18 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 22-сон) билан тасдиқланган. Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири** **У. Иноятов**
*Тошкент ш.,*
*2015 йил 25 сентябрь,*
*21-мҳ-сон*

**Молия вазири** **Р. Азимов**
*Тошкент ш.,*
*2015 йил 25 сентябрь,*
*84-сон*

*Қарорга*
*ИЛОВА*

**Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 2 - 5-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Тутинган ота-оналар оилага тарбияга олинган болани жорий йил учун зарур бўлган кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш мақсадида бола оилага тарбияга олинган кундан бошлаб бир ҳафта муддат ичида, кейинги йил учун эса, жорий йилнинг 15 декабригача мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда тузилган буюртмани (бундан буён матнда буюртма деб юритилади) тегишли халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларига беради. Буюртмада боланинг фамилияси, исми, отасининг исми, ёши, жинси, мазкур Низомнинг 2-иловасида келтирилган норма ва рўйхатга асосан келгуси мавсумларни ҳисобга олган ҳолда зарур бўлган барча кийим-бош ва пойабзал (уларнинг тури (номи), сони, ўлчами) ва уларнинг бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда ўртача нархи тўлиқ кўрсатилади.

Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари жорий йил учун тақдим этилган буюртмаларни қабул қилиб олган кундан бошлаб уч кун ичида, кейинги йил учун тақдим этилган буюртмаларни эса, жорий йилнинг 25 декабригача Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига (бундан буён матнда халқ таълими бошқармалари деб юритилади) топшириши лозим.

3. Кийим-бош ва пойабзал учун қилинадиган харажатлар миқдори халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари тақдим этган буюртмага мувофиқ халқ таълими бошқармаларининг Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари билан келишилган ҳисоб-китоблари асосида белгиланади.

4. Болаларга бериладиган кийим-бош ва пойабзал учун зарур маблағ боланинг қайси тарбия ёки даволаш муассасалари ёхуд аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалардан олинишидан қатъий назар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли қарорлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари томонидан ажратилади ва халқ таълими бошқармалари орқали берилади.

5. Оилага тарбияга олинган бола учун кийим-бош ва пойабзал сотиб олишга ажратилган маблағлар тутинган ота-оналарга нақд пул шаклида ёки уларнинг банк пластик картасига пул ўтказиш йўли билан берилади.

Тарбиялаш учун оилаларга бериладиган етим болаларга кийим-бош ва пойабзал сотиб олиш учун ажратилган маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.”

2. 6-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. 7 ва 8-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Тарбияга олинган болага зарур кийим-бош ва пойабзал сотиб олиш учун ажратилган маблағлар тутинган ота-оналарга улар томондан тақдим этилган буюртмага асосан бола тарбияга олинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида берилади.

8. Тутинган ота-оналар оилага тарбияга олинган бола учун сотиб олинган кийим-бош ва пойабзал бўйича ҳисоботни мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда тайёрлайди ва уни ҳар йилнинг 10 январигача халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларига тақдим этади. Бунда ҳисоботга кийим-бош ва пойабзални сотиб олганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (касса чеки ёхуд товарга ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган чекка тенглаштирилган ҳужжат) илова қилинади.

Ҳисоботлар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимлари томонидан тасдиқланиб, тегишли халқ таълими бошқармаларига юборилади.”

4. 10 - 12-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Боланинг қайси тарбия ёки даволаш муассасалари ёхуд аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасалардан олинишидан қатъий назар, тутинган ота-оналарга ўз тарбиясига олган ҳар бир бола учун энг кам иш ҳақининг 3 баравари миқдорида ҳар ойлик нафақа тўланади. Мазкур харажатлар учун сарфланиши кўзда тутилган маблағлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарори асосида халқ таълими бошқармалари орқали берилади.

11. Тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш ҳамда болаларни кийим-бош ва пойабзал билан таъминлаш харажатлари Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг молия бошқармалари томонидан Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг ва Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг захира жамғармаларидан бюджет тизими бюджетлари харажатлар таснифининг тегишли моддаси бўйича маблағ билан таъминланади ва бухгалтерия ҳисобида ҳам шу модда бўйича акс эттирилади.

12. Халқ таълими бошқармалари томонидан ҳар ойнинг 10-санасигача тутинган ота-оналарга ойлик нафақалар нақд пул шаклида ёки уларнинг банк пластик картасига пул ўтказиш йўли билан берилади.”

5. 13 ва 14-бандлардаги “Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари” деган сўзлар “халқ таълими бошқармалари” деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 15-банд “Тошкент шаҳар” деган сўзлардан кейин “ҳокимликларининг” деган сўз билан тўлдирилсин.

7. 16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“16. Ушбу Низомнинг матни белгиланган тартибда халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш туман (шаҳар) бўлимларида, шунингдек тарбия ва даволаш муассасалари ҳамда аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаларида барчага кўринадиган жойга осиб қўйилиши лозим.

Болани оилага тарбияга олаётган тутинган ота-оналар билан шартнома тузилаётганда уларга мазкур Низом талаблари тушунтирилиши шарт.”

8. 1, 2 ва 3-иловалар тегишлича мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

9. Мазкур ўзгартиришлар ва қўшимча Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган.

*Ўзгартиришлар ва қўшимчага*
*1-ИЛОВА*

*“Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга*
*бериладиган етим болаларни кийим-бош,*
*пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани*
*ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга*
*ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби*
*тўғрисидаги низомга*
*1-ИЛОВА*

**Оилага тарбияга олинган болага**
**кийим-бош ва пойабзал олиш учун**
**БУЮРТМА**

______________________________
(оилага тарбияга олинган боланинг Ф.И.О.)

______________________________
(боланинг ёши)
______________________________
______________________________
______________________________
(боланинг жинси)

| Т/р | Кийим-бош ва пойабзалнинг номи | Сони (дона, жуфт, комплект) | Кийим-бош ва пойабзалнинг ўлчами | Кийим-бош ва пойабзалнинг ўртача нархи |
|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | |
| 2. | | | | |
| 3. | | | | |

Халқ таълими муассасалари
фаолиятини методик таъминлаш
ва ташкил этиш туман (шаҳар)
бўлими мудири

______________________________ ______________________________
(Ф.И.О.) (тутинган ота (она)нинг Ф.И.О.)

______________ ______________________________
(имзо)
М.Ў. ______________
(имзо)

20____ йил «__» ________________ 20___ йил «___» _______________

Манзил: ________________________ Манзил: ________________________

________________________________ ________________________________

________________________________ ________________________________

________________________________ ________________________________

Банк номи: _________________

Ҳисоб варақ рақами: _______________

*Ўзгартиришлар ва қўшимчага*
*2-ИЛОВА*

*“Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга бериладиган етим болаларни кийим-бош, пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга*
*2-ИЛОВА*

**Оилага тарбияга олинган болага кийим-бош ва пойабзал бериш**
**НОРМАСИ ВА РЎЙХАТИ**

| Т/р | Кийим-бош ва пойабзалнинг тури (номи) | Ўлчов бирлиги | 3 ёшгача бўлган ҳар бир болага | | Мактабгача ёшдаги ҳар бир болага (3 - 6 (7) ёш) | | Мактаб ёшидаги ҳар бир болага (6 (7) - 17 ёш) | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | сони | фойдаланиш муддати (йил) | сони | фойдаланиш муддати (йил) | сони | фойдаланиш муддати (йил) |
| 1. | Куртка-комбинезон | Дона | 1 | 2 | - | - | - | - |
| 2. | Куртка | Дона | - | - | 1 | 2 | 1 | 2 |
| 3. | Пальто | Дона | - | - | - | - | 1 | 2 |
| 4. | Ўғил болалар костюми | Дона | 1 | 2 | 1 | 2 | 1 | 2 |
| 5. | Мактаб формаси (ўғил бола учун қора шим, оқ кўйлак, қиз бола учун кофта ва юбка) | Комп-лект | - | - | - | - | 1 | 1 |
| 6. | Ўғил болалар кўйлаги | Дона | 2 | 1 | 2 | 1 | 2 | 1 |

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 7. | Қиз болалар кўйлаги (шойи ва ип газлама блузка) | Дона | 2 | 1 | 2 | 1 | 2 | 1 |
| 8. | Қиз болалар халати | Дона | - | - | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 9. | Свитер (жемпер) | Дона | - | - | 1 | 2 | 1 | 2 |
| 10. | Ёзги байрам кўйлаги | Дона | - | - | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 11. | Қишки бош кийим | Дона | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 12. | Қиз болалар трикоси | Дона | - | - | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 13. | Колготка | Дона | 2 | 1 | 2 | 1 | 2 | 1 |
| 14. | Ички кийим тўплами ( ўғил ва қиз болалар учун) | Дона | 2 | 1 | 2 | 1 | 2 | 1 |
| 15. | Спорт костюми | Комп-лект | - | - | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 16. | Кеда ёки кроссовка | Жуфт | - | - | - | - | 1 | 1 |
| 17. | Пайпоқ, гольф | Жуфт | - | - | 2 | 1 | 2 | 1 |
| 18. | Туфли, сандалет | Жуфт | - | - | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 19. | Тапочка | Жуфт | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 20. | Этик ёки ботинка | Жуфт | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 | 1 |
| 21. | Қиз болалар учун сийнабанд | Дона | - | - | - | - | 1 | 1 |

*Ўзгартиришлар ва қўшимчага*
*3-ИЛОВА*

*“Тарбиялаш (патронат) учун оилаларга*
*бериладиган етим болаларни кийим-бош,*
*пойабзал билан таъминлаш ҳамда болани*
*ўз тарбиясига олган тутинган ота-оналарга*
*ҳар ойлик нафақа тўлаш тартиби*
*тўғрисидаги низомга*
*3-ИЛОВА*

“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н
________________________________
________________________________
(халқ таълими муассасалари фаолиятини
методик таъминлаш ва ташкил этиш туман
(шаҳар) бўлими мудирининг Ф.И.О.)
___________________
(имзо)

20__ йил «___» ________

**Оилага тарбияга олинган бола учун 20___ йилда**
**сотиб олинган кийим-бош ва пойабзал бўйича**
**ҲИСОБОТ**

Мен, ______________________________________, 20___ йил «__» ___________да
(тутинган ота (она)нинг Ф.И.О.)

_____________________________________________ билан тузилган
(васийлик ва ҳомийлик органининг номи)

_____-сонли шартномага асосан вояга етмаган______________________ ни
(оилага тарбияга олинган боланинг Ф.И.О.)

оилага тарбияга олганман.
Ҳисобот даврида тарбиямда бўлган _________________________ учун
(оилага тарбияга олинган боланинг Ф.И.О.)

қуйидаги кийим-бош ва пойабзалларни сотиб олдим.

| Т/р | Кийим-бош ва пойабзалнинг тури (номи) | Сони (дона, жуфт, комплект) | Олинган кийим-бош ва пойабзалнинг нархи (сўм) |
|---|---|---|---|
| 1. | | | |
| 2. | | | |
| 3. | | | |

Кийим-бош ва пойабзал сотиб олинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар (касса чеки ёхуд товарга ҳақ тўланганлигини тасдиқлайдиган чекка тенглаштирилган ҳужжатлар) илова қилинмоқда.

(тутинган ота (она)нинг Ф.И.О.) (имзо) (сана)

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ
# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ

## Қ А Р О Р И

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ ЎТКАЗГАНЛИК УЧУН МЕҲНАТГА СОАТБАЙ ҲАҚ ТЎЛАШ МИҚДОРЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 15 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2719**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 26 августдаги ПФ-4751-сон “Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 декабрдаги 312-сон “Ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тўғрисида”ги, 2015 йил 20 августдаги 242-сон “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2015 йил 25 августдаги 246-сон “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига педагогик фаолият самарадорлиги ва сифатини ошириш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш 2015 йил 1 сентябрдан бошлаб мазкур қарорга иловада кўрсатилган миқдорларда амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2014 йил 25 декабрдаги 13, 62 ва 33-қ/қ-сон “Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорларини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори (рўйхат рақами 2645, 2014 йил 30 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 52(I)-сон, 645-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус таълим вазири** **А. Вахабов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 12 октябрь,*
*6-2015-сон*

**Халқ таълими вазири** **У. Иноятов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 12 октябрь,*
*24-мҳ-сон*

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий**
**муҳофаза қилиш вазири** **А. Абдуҳакимов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 12 октябрь,*
*42-қ/қ-сон*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида*
*2015 йил 15 октябрда 2719-сон билан рўйхатга олинган*
*Ўзбекистон Республикаси*
*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги,*
*Халқ таълими вазирлиги,*
*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий*
*муҳофаза қилиш вазирлигининг*
*2015 йил 12 октябрдаги*
*6-2015, 24-мҳ ва 42-қ/қ-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## Ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш МИҚДОРЛАРИ

1. Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва илмий тадқиқот муассасаларида, қайта тайёрлаш ва малака ошириш муассасаларида, шунингдек, мазкур давлат муассасаларида ташкил этиладиган ўқув курсларида ўқув машғулотлари ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари

| Т/р | Контингент | Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар | Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм) |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари | профессор, фан доктори ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган илмий даражасига эга бўлган шахслар | 27 367,6 |
| | | доцент, фан номзоди ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар | 16 050,8 |
| | | илмий даражага эга бўлмаган шахслар* | 11 010,9 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| 2. | Олий таълим муассасалари талабалари | профессор, фан доктори ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган илмий даражасига эга бўлган шахслар | 31 277,2 |
| | | доцент, фан номзоди ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар | 19 754,7 |
| | | илмий даражага эга бўлмаган шахслар* | 14 314,0 |
| 3. | Катта илмий ходим-изланувчилар, раҳбар ходимлар ва мутахассислар малакасини ошириш бўйича таълим муассасалари (курслари) тингловчилари** | профессор, фан доктори ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган илмий даражасига эга бўлган шахслар | 37 794,0 |
| | | доцент, фан номзоди ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар | 25 928,0 |
| | | илмий даражага эга бўлмаган шахслар* | 20 920,6 |
| 4. | Курслар тингловчилари, ўрта махсус, касб-ҳунар маълумоти талаб этиладиган лавозимларни эгаллаб турган ишчилар, ходимлар*** | профессор, фан доктори ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг унга тенглаштирилган илмий даражасига эга бўлган шахслар | 21 343,6 |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | доцент, фан номзоди ёки тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг фалсафа доктори (Ph.D) даражасига ёки унга тенглаштирилган бошқа илмий даражаларга эга бўлган шахслар | 12 424,3 |
| | | илмий даражага эга бўлмаган шахслар* | 8 380,4 |

2. Умумтаълим мактаблари педагог ходимларига ўтган дарси учун соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари

| **Т/р** | **Контингент** | **Ўқув машғулотларини олиб борувчи шахслар** | **Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари (сўм)** |
|---|---|---|---|
| 1. | Умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари ўқитувчиси, ўқитувчи-логопеди, логопедия шохобчаси мудири | олий малака тоифали | 10 749,6 |
| | | биринчи малака тоифали | 10 132,4 |
| | | иккинчи малака тоифали | 9 488,3 |
| | | олий маълумотли | 8 860,1 |
| | | ўрта махсус маълумотли | 8 282,1 |
| 2. | Умумтаълим мактабларининг юқори синфлари ўқитувчиси | олий малака тоифали | 8 906,4 |
| | | биринчи малака тоифали | 8 077,0 |
| | | иккинчи малака тоифали | 7 564,5 |
| | | олий маълумотли | 7 065,9 |
| | | ўрта махсус маълумотли | 6 610,9 |

**) илмий даражага эга бўлмаган, мутахассислик фанлари бўйича машғулот ўтказиш учун жалб қилинадиган шахслар.*

***) олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган шахсларга соатбай иш ҳақи миқдори белгиланган миқдорларидан 25 фоизга кўпайтирилади.*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги 242-сонли “Олий таълим муассасаларининг раҳбар*

*ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсларига машғулотлар ўтказиш учун соатбай иш ҳақи тўлаш шартлари билан жалб этиладиган айрим юқори малакали илмий-педагогик кадрларга ва тажрибали амалиётчи мутахассисларга ўқув машғулотлари ўтказганлиги учун соатбай иш ҳақи миқдорини белгиланган миқдорларидан 50 фоиз юқори этиб белгилашга ҳақли.*

****) ушбу бандда белгиланган ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари тавсиявий хусусиятга эга.*

***Изоҳ:***

*1. Соатбай ҳақ тўлаш миқдори таркибига меҳнат таътили ҳақи киритилган.*

*2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Қишлоқ хўжалиги фанлар академияси академиклари меҳнатига соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари 15 фоизга оширилади.*

*3. Конкурс ва танловлар жюрилари аъзолари, шунингдек, конкурс ишлари тақризчилари меҳнатига ҳақ тўлашда олий таълим муассасалари талабалари билан ўқув машғулотлари олиб борганлик учун тўланадиган соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари қўлланилади.*

*4. Ўқув машғулотларини соатбай ҳақ тўлаш асосида олиб борганлик учун ҳақ тўлаш харажатлари таълим муассасаси харажатлар сметасининг ҳисоб-китоблар ёйилмасида алоҳида қатор билан ажратилган соатбай ҳақ тўлаш фонди маблағлари доирасида амалга оширилади.*

*5. Соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари академик соатдан келиб чиқиб белгиланган.*

3. Мазкур ўқув машғулотларини ўтказганлик учун меҳнатга соатбай ҳақ тўлаш миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИНИНГ

## Қ А Р О Р И

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ТАСАРРУФИДАГИ СПОРТНИНГ МИЛЛИЙ КУРАШ ТУРИГА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ-ИНТЕРНАТГА ЎҚУВЧИЛАРНИ ТАНЛАБ ОЛИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 23 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2731**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 мартдаги 41-сон “Сурхондарё вилоятида спортнинг миллий кураш турини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги

**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири** **У. Иноятов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 2 ноябрь*
*25-мҳ-сон*

**Маданият ва спорт ишлари вазири** **Б. Ахмедов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 2 ноябрь,*
*21-сон*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида*
*2015 йил 23 ноябрда 2731-сон билан рўйхатга олинган*
*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги*
*ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг*
*2015 йил 2 ноябрдаги 25-мҳ ва 21-сон қарорига*
*ИЛОВА*

## Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Муқаддима
1-боб. Умумий қоида
2-боб. Мактаб-интернатга танлаб олиш ва қабул қилишни ташкил этиш
3-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш
4-боб. Танлов натижалари юзасидан берилган мурожаатларни кўриб чиқиш
5-боб. Якуний қоидалар
1-илова. Ариза
2-илова. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқишга кириш учун ҳужжатлари топширилган номзодлар ҳақида маълумот
3-илова. Умумий жисмоний тайёргарлик бўйича нормативларни бажариш методикаси
4-илова. Махсус жисмоний тайёргарлик бўйича нормативларни бажариш методикаси

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 мартдаги 41-сон “Сурхондарё вилоятида спортнинг миллий кураш турини янада ривожлантириш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга (бундан буён матнда мактаб-интернат деб юритилади) ўқувчиларни танлаб олиш тартибини белгилайди.

## 1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДА

1. Мактаб-интернатга ҳар йили танлов асосида 20 нафар қобилиятли ўқувчилар 5-синфга қабул қилинади.

## 2-БОБ. МАКТАБ-ИНТЕРНАТГА ТАНЛАБ ОЛИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

2. Ўқувчиларни мактаб-интернатга танлаб олишни ташкил этиш мақсадида ҳужжатлар қабул қилиниши бошланишидан икки ой олдин мактаб-интернат томонидан танлов ўтказилиши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида эълон берилади.

3. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш учун мактаб-интернатда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг қўшма буйруғи билан 7 кишидан иборат (комиссия раиси, котиби ва аъзолари) таркибда қабул комиссияси тузилади.

4. Қабул комиссияси таркибига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда уларнинг ҳудудий бошқарув органларидан бир нафардан вакил, мактаб-интернат психологи ва тиббиёт ходими киритилади. Мактаб-интернат директори қабул комиссияси раиси ҳисобланади.

5. Қуйидагилар қабул комиссиясининг асосий вазифалари ҳисобланади:

ўқувчилар ва ўқувчиларнинг ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар (бундан буён матнда ота-оналар деб юритилади) ҳамда жамоатчилик ўртасида мактаб-интернатга қабул қилиш тартиби, шунингдек, мактаб-интернатнинг фаолияти тўғрисида тушунтириш ишларини олиб бориш;

ўқувчилар ва ота-оналар учун маслаҳатлар берилишини ташкил этиш;

ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш ва расмийлаштириш;

танловни ташкил этиш ва ўтказиш;

қабул жараёни якунларини умумлаштириш.

6. Ўқувчиларнинг ҳужжатларини сақлаш учун қабул комиссияси раиси ва котиби масъул ҳисобланади.

7. Ота-оналар томонидан қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

ота-оналарнинг мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги аризаси;

ўқувчининг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси (16 ёшга тўлмаган шахслар учун фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳаракатланиш

ҳужжати) нусхаси (ҳужжатларни топшириш вақтида ҳужжатнинг асл нусхаси кўрсатилади);

ўқувчининг баҳолар (ўзлаштириш) табели нусхаси (ҳужжатларни топшириш вақтида баҳолар (ўзлаштириш) табелининг асл нусхаси кўрсатилади);

086-У-шакл бўйича тиббий маълумотнома ҳамда ўқувчининг умуртқаси рентген тасвири;

ўқувчининг спорт мусобақаларида эришган натижаларини тасдиқловчи ҳужжатлар, агар мавжуд бўлса;

ўқувчининг 3,5 х 4,5 см ўлчамдаги 6 дона фотосурати (рангли);

ўқувчининг спорт паспорти нусхаси, агар мавжуд бўлса (ҳужжатларни топшириш вақтида спорт паспортининг асл нусхаси кўрсатилади).

8. Қабул комиссияси томонидан мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланади.

9. Ҳужжатлар ҳар йили 25 июндан 25 июлгача (шу куни ҳам) қабул қилинади.

10. Ҳужжат топширган номзодлар ҳақидаги маълумотлар мактаб-интернат томонидан 1 августга қадар мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига юборилади.

## 3-БОБ. ТАНЛОВНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

11. Танловни ўтказиш учун қабул комиссияси раиси томонидан 5 кишидан иборат таркибда Танлов синовларини ўтказиш ҳайъати (бундан буён матнда Ҳайъат деб юритилади) ташкил этилади.

12. Ўқувчилар мактаб-интернатга кириш учун умумий жисмоний тайёргарлик ҳамда махсус жисмоний тайёргарлик бўйича ихтисослик имтиҳонларини (синовларини) топширади.

13. Ихтисослик имтиҳонларини топширишдан олдин ўқувчилар 1 - 5 август кунлари ҳудудий соғлиқни сақлаш муассасасида ташкил этилган тиббий комиссия томонидан кўрикдан ўтказилади. Тиббий комиссия таркибига мактаб-интернатнинг мураббий-ўқитувчилари ҳам киритилади.

14. Тиббий кўрикдан ўтказишда ўқувчининг антропометрик кўрсаткичлари (тана вазни, бўйининг узунлиги ва кўкрак қафаси айланаси), функционал имкониятлари ва соғлиғидаги мавжуд нуқсонлари аниқланади.

15. Тиббий кўрик натижаларига кўра соғлом деб топилган ўқувчилар ихтисослик имтиҳонларини топширишга қўйилади.

16. Ихтисослик имтиҳонлари ҳар йили 6 - 10 август кунлари ўтказилади.

17. Умумий жисмоний тайёргарлик бўйича ихтисослик имтиҳонлари мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ, махсус жисмоний тайёргарлик бўйича ихтисослик имтиҳонлари эса, мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ ўтказилади ҳамда баҳоланади.

18. Ўқувчиларнинг ихтисослик имтиҳонлари натижалари дарҳол қайдномага киритилади ва ўқувчиларга эълон қилинади ҳамда Ҳайъат аъзолари томонидан имзоланади.

19. Ихтисослик имтиҳонлари бўйича умумий балл умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик учун қўйилган баллар йиғиндисига кўра аниқланади.

20. Ихтисослик имтиҳонлари натижалари улар ўтказилгандан сўнг 3 кун ичида эълон қилинади. Ихтисослик имтиҳонлари натижаларига кўра энг юқори балл тўплаган 20 нафар ўқувчи ўқишга қабул қилинади.

21. Ихтисослик имтиҳонлари натижаларига кўра ўқувчиларнинг ўтиш баллари тенг бўлиб қолган тақдирда, спорт мусобақаларида эришган натижалари юқори бўлган ўқувчилар мактаб-интернатга имтиёзли кириш ҳуқуқига эга бўлади.

22. Ўқишга қабул қилинган ўқувчилар қабул комиссиясининг баённомаси билан тасдиқланади. Қабул комиссиясининг баённомаси асосида мактаб-интернат директори томонидан 20 августга қадар ўқувчиларни ўқишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ чиқарилади.

23. Ўқувчи ўқишга қабул қилинганда, мактаб-интернат директори томонидан ўқув йили бошлангунга қадар ўқувчини мактаб-интернатга яқин масофада жойлашган умумий ўрта таълим муассасасига ўтказиш чоралари кўрилади, ўқувчи мактаб-интернатга яқин масофада жойлашган умумий ўрта таълим муассасасида таълим олаётган ҳоллар бундан мустасно. Ўқувчини умумий ўрта таълим муассасасига ўтказиш Ўқувчиларни синфдан синфга ва бир умумий ўрта таълим муассасасидан бошқасига ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2684, 2015 йил 17 июнь) асосан амалга оширилади.

## 4-БОБ. ТАНЛОВ НАТИЖАЛАРИ ЮЗАСИДАН БЕРИЛГАН МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ

24. Танлов натижалари бўйича берилган мурожаатларни кўриб чиқиш учун 5 августга қадар вилоят халқ таълими бошқармасининг буйруғи билан мактаб-интернатда апелляция комиссияси ташкил этилади ва 3 кишидан иборат таркибда тасдиқланади.

25. Апелляция комиссияси қабул комиссияси ва Ҳайъат таркибида бўлмаган соҳа мутахассисларидан шакллантирилади.

26. Танлов натижаси бўйича мурожаатлар ўқувчининг ота-оналари ёки улардан бири томонидан берилади.

27. Мурожаатлар улар келиб тушган пайтдан бошлаб 24 соат ичида апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилади ва тегишли қарор қабул қилинади. Мурожаатни кўриб чиқиш вақтида мурожаат қилган шахс апелляция комиссияси ишида ўзининг илтимосига асосан иштирок этиши мумкин.

28. Қабул қилинган қарор натижаси бўйича мурожаат қилган шахсга 1 иш куни ичида апелляция комиссияси томонидан ёзма равишда маълум қилинади.

29. Апелляция комиссияси мурожаатни кўриб чиқиш натижаларига кўра танлов натижасини бекор қилиши ёки унга тегишли ўзгартириш киритиши мумкин.

30. Апелляция комиссиясининг мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилган қарори юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

## 5-БОБ. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

31. Танловнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил этилиши ва ўтказилиши учун мактаб-интернат директори жавобгар.

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

33. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

*Низомга*
*1-ИЛОВА*

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими
вазирлиги тасарруфидаги Спортнинг
миллий кураш турига ихтисослаштирилган
мактаб-интернат директорига

___________________________________
(яшаш манзили)
____________________ да яшовчи фуқаро
(яшаш манзили)
_________________________________ дан
(ариза берувчи шахснинг Ф.И.О.)

**АРИЗА**

Менинг фарзандим ______________________________________ га
(ўқувчининг Ф.И.О.)

мактаб-интернатга ўқишга кириш учун ўтказиладиган танлов синовларида қатнашишга рухсат беришингизни сўрайман.

___________________________________ __________ ___________
(ариза берувчи шахснинг Ф.И.О.) (имзо) (сана)

___________________________________ __________ ___________
(аризани қабул қилган шахснинг Ф.И.О.) (имзо) (сана)

*Низомга*
*2-ИЛОВА*

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги Спортнинг миллий кураш турига ихтисослаштирилган мактаб-интернатга ўқишга кириш учун ҳужжатлари топширилган номзодлар ҳақида**
**МАЪЛУМОТ**

| Т/р | Ф.И.О. | Туғилган йили ва жойи | Таълим олаётган муассасаси | Яшаш манзили | Ҳужжат топширилган сана |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | | | | | |
| 2. | | | | | |
| 3. | | | | | |
| ... | | | | | |

**Қабул комиссияси раиси** ______________ **М.Ў.** ______________________
*(имзо)* *(Ф.И.О.)*

*Низомга*
*3-ИЛОВА*

**Умумий жисмоний тайёргарлик бўйича нормативларни бажариш МЕТОДИКАСИ**

1. Умумий жисмоний тайёргарлик бўйича ихтисослик имтиҳонига қўйиладиган энг юқори балл - 30 баллни ташкил қилади.

2. Умумий жисмоний тайёргарлик бўйича ихтисослик имтиҳонида ўқувчи мазкур методиканинг иловасида кўрсатилган нормативларни бажаради. Бунда:

**30 метрга югуриш** - машқ паст стартда белгиланган чизиқдан “Стартга!”, “Диққат!”, “Югур!” буйруқлари билан бажарилади. Машқ “старт”дан “марра” чизиғигача бўлган масофа бўйлаб югуриш орқали бажарилади. Ушбу машқ уч уринишда бажарилади ва энг яхши натижа ҳисобга олинади. Натижа 0,1 сониягача аниқланади;

**1000 метрга югуриш** - машқ юқори стартда белгиланган чизиқдан “Стартга!”, “Диққат!”, “Югур!” буйруқлари билан бажарилади. Машқ “старт”дан “марра” чизиғигача бўлган масофа бўйлаб югуриш орқали бажарилади. Ушбу машқ бир уринишда бажарилади ва натижа ҳисобга олинади. Натижа 0,1 сониягача аниқланади;

**“мокисимон” югуриш (4 x 10 метр)** - машқ юқори стартда белгиланган чизиқдан “Стартга!”, “Диққат!”, “Югур!” буйруқлари билан оралиғи 120 см бўлган икки томонидан чизилган, 10 метр масофали йўлакча ичида зигзаг (илон изи) шаклида югуриш орқали бажарилади. Югуриш жараёнида бурилишларда оёқ учлари чизиқдан ташқарига чиқмаган ҳолда бажарилган машқ ҳисобга олинмайди. Ушбу машқ уч уринишда бажарилади ва энг яхши натижа ҳисобга олинади. Натижа 0,1 сониягача аниқланади;

**турникда тортилиш** - машқ турникка икки қўлда тўғри осилиб турган ҳамда оёқлар ерга тегмаган ҳолатда, ияк турник поясидан ўтгунга қадар қўлларни букиш орқали бажарилади. Машқ бажариш жараёнида оёқларни кериш ёки букиш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш, оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш ҳамда ияк турник поясидан ўтмагунга қадар тортилиш орқали бажарилмаган ҳаракатлар ҳисобга олинмайди;

**югуриб келиб узунликка сакраш** - машқ югуриб келиб белгиланган чизиқдан депсиниб сакраш орқали бажарилади. Депсиниш жараёнида оёқ учлари белгиланган чизиқдан ўтиб кетиши орқали бажарилган сакраш ҳисобга олинмайди. Ушбу машқ уч уринишда бажарилади ва энг яхши натижа ҳисобга олинади. Натижа депсиниш чизиғидан то тананинг бирорта аъзоси ерга теккан жойгача бўлган масофани ўлчаш орқали аниқланади;

**жойидан узунликка сакраш** - машқ оёқлар елка кенглигида турган ҳолатда, белгиланган сакраш чизиғидан қўлларни олдинга-юқорига силтаб, икки оёқда олдинга депсиниб сакраш орқали бажарилади. Ушбу машқ уч уринишда бажарилади ва энг яхши натижа ҳисобга олинади. Натижа депсиниш чизиғидан то оёқ товони ерга теккан жойгача бўлган масофани ўлчаш орқали аниқланади.

*Методикага*
*ИЛОВА*

## Умумий жисмоний тайёргарлик бўйича
## НОРМАТИВЛАР

| Т/р | Нормативлар | Баҳолаш | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | **5 балл** | **4 балл** | **3 балл** | **2 балл** | **0 балл** |
| 1. | 30 метрга югуриш | 5,3 сония | 5,8 сония | 6,5 сония | 6,8 сония | 6,9 сония ва ундан юқори |
| 2. | 1000 метрга югуриш | 5,30 дақиқа | 6 дақиқа | 6,30 дақиқа | 7 дақиқа | 7 дақиқа 1 сония ва ундан юқори |
| 3. | «Мокисимон» югуриш (4 х 10 метр) | 11 сония | 11,5 сония | 12 сония | 12,5 сония | 12,6 сония ва ундан юқори |
| 4. | Турникда тортилиш | 5 марта | 4 марта | 3 марта | 2 марта | 2 мартадан кам |
| 5. | Югуриб келиб узунликка сакраш | 3 метр | 2,60 метр | 2,30 метр | 2 метр | 2 метрдан кам |
| 6. | Жойидан узунликка сакраш | 1,60 метр | 1,40 метр | 1,20 метр | 1 метр | 1 метрдан кам |

*Низомга*
*4-ИЛОВА*

**Махсус жисмоний тайёргарлик бўйича нормативларни бажариш МЕТОДИКАСИ**

1. Махсус жисмоний тайёргарлик бўйича ихтисослик имтиҳонига қўйиладиган энг юқори балл - 70 баллни ташкил қилади.

2. Махсус жисмоний тайёргарлик бўйича ихтисослик имтиҳонида ўқувчи мазкур методиканинг иловасида кўрсатилган нормативларни бажаради. Бунда:

**“кўприк” ҳолатида бошда айланиш** - машқ “кўприк” ҳолатида бошни кураш гиламига қўйиб, бир нуқта бўйлаб айланиш орқали бажарилади. Машқни бажариш учун қўллар тепага кўтарилган, оёқлар елка кенглигида тик турган ҳолатда оёқлар тиззадан букилиб, товонлар кураш гиламига таянади ҳамда бош орқага ташланади. Белдан орқа томонга эгилган ҳолда қўллар кураш гиламига таяниб, “кўприк” ҳолатига тушилади. Бош кураш гиламига қўйилиб, қўллар ёрдамисиз нуқта бўйлаб ўнг ёки чап томонга айланилади. Ўнг ёки чап томонга айланиш ўқувчининг хоҳишига кўра танланади. Натижа машқ ҳаракатларининг сони ва сифат кўрсаткичлари асосида баҳоланади;

**“кўприк” ҳолатида қўлда айланиш** - машқ “кўприк” ҳолатида қўллар билан кураш гиламига таяниб, ўнг ва чап томонга оёқ ҳаракатлари билан айланиш орқали бажарилади. Машқни бажариш учун қўллар тепага кўтарилган, оёқлар елка кенглигида тик турган ҳолатда оёқлар тиззадан букилиб, товонлар кураш гиламига таянади ҳамда бош орқага ташланади. Белдан орқа томонга эгилган ҳолда қўллар кураш гиламига таяниб, “кўприк” ҳолатига тушилади. Қўллар кураш гиламига қўйилиб, тананинг қўлдан бошқа аъзолари кураш гиламига тегмаган ҳолда доирасимон шаклда ўнг ва чап томонларга айланилади. Ўнг ёки чап томонга айланиш ўқувчининг хоҳишига кўра танланади. Натижа машқ ҳаракатларининг сони ва сифат кўрсаткичлари асосида баҳоланади.

**“кўприк” ҳолатида тик туриш** - машқ “кўприк” ҳолатида қўллар билан кураш гиламига таяниб, мувозанатни сақлаган ҳолда қайта тик туриш орқали бажарилади. Машқни бажариш учун қўллар тепага кўтарилган, оёқлар елка кенглигида тик турган ҳолатда оёқлар

тиззадан букилиб, товонлар кураш гиламига таянади ҳамда бош орқага ташланади. Белдан орқа томонга эгилган ҳолда қўллар кураш гиламига таяниб, “кўприк” ҳолатига тушилади. 2-3 сония мувозанат ушлаб турилгандан сўнг қайта тик туриш ҳолатига қайтилади. Натижа машқ ҳаракатларининг сони ва сифат кўрсаткичлари асосида баҳоланади.

**“кўприк” ҳолатида оёқларни олд ва орқага ташлаш** - машқ “кўприк” ҳолатида қўлларга таяниб, оёқларни олд ва орқа томонга ташлаш орқали бажарилади. Машқни бажариш учун қўллар тепага кўтарилган, оёқлар елка кенглигида тик турган ҳолатда оёқлар тиззадан букилиб, товонлар кураш гиламига таянади ҳамда бош орқага ташланади. Белдан орқа томонга эгилган ҳолда қўллар кураш гиламига таяниб, “кўприк” ҳолатига тушилади. Қўллар кураш гиламига қўйилиб, олд ва орқа томонга тананинг қўлдан бошқа аъзолари гиламга тегмаган ҳолда умбалоқ ошилади. Натижа машқ ҳаракатларининг сони ва сифат кўрсаткичлари асосида баҳоланади.

**“қўшша” усулини бажариш** - машқ бир қўл билан рақибнинг ўнг ёки чап тирсаги таг қисмидан, иккинчи қўл билан рақиб ёқасининг орқа қисмидан ушлаган ҳолда рақибни ўнг ёки чап ён томондан ошириб гиламга йиқитиш орқали бажарилади. Машқни бажариш давомида рақибнинг икки оёғини бирданига ён томондан ўтказмасдан бажарилган машқ ҳисобга олинмайди. Машқни ўнг ёки чап томондан бошлаб бажариш ўқувчининг хоҳишига кўра танланади. Натижа машқ ҳаракатларининг сони ва сифат кўрсаткичлари асосида баҳоланади.

**беллашув** - спортнинг миллий кураш тури бўйича мусобақа қоидаларига биноан икки рақиб ўртасида 4 дақиқа давомида ўтказилади. Бунда “ҳалол” баҳоси учун 45 балл, “ёнбош” баҳоси учун 30 балл, “чала” баҳоси учун 15 балл берилади. Белгиланган вақт мобайнида кўпроқ балл тўплаган ёки огоҳлантириш (“танбеҳ”, “дакки”) олмаган ёхуд нисбатан кам олган ўқувчи ғолиб бўлган ҳисобланади. 4 дақиқа давомида ғолиб аниқланмаса, рақиблардан бири ижобий натижа кўрсатгунга қадар мусобақа давом эттирилади. Натижа ўқувчиларнинг тўплаган баллари асосида аниқланади.

*Методикага*
*ИЛОВА*

**Махсус жисмоний тайёргарлик бўйича**
**НОРМАТИВЛАР**

| Т/р | Нормативлар | Баҳолаш | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 1. | «Кўприк» ҳолатида бошда айланиш | 6 марта - 5 балл | 5 марта - 4 балл | 4 марта - 3 балл | 3-0 марта - 0 балл |
| 2. | «Кўприк» ҳолатида қўлда айланиш | 6 марта - 5 балл | 5 марта - 4 балл | 2 марта - 3 балл | 1-0 марта - 0 балл |
| 3. | «Кўприк» ҳолатида тик туриш | 6 марта - 5 балл | 5 марта - 4 балл | 2 марта - 3 балл | 1-0 марта - 0 балл |
| 4. | «Кўприк» ҳолатида оёқларни олд ва орқага ташлаш | 6 марта - 5 балл | 5 марта - 4 балл | 2 марта - 3 балл | 1-0 марта - 0 балл |
| 5. | «Қўшша» усулини бажариш | 8 марта - 5 балл | 6 марта - 4 балл | 3 марта - 3 балл | 2-0 марта - 0 балл |
| 6. | Беллашув | «ҳалол» баҳоси - 45 балл | «ёнбош» баҳоси - 30 балл | «чала» баҳоси - 15 балл | 0 |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2015 йил 7 декабрь* *318-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2015 ЙИЛ 3 ДЕКАБРДАГИ "ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ МУАССАСАЛАРИНИНГ БОШҚАРУВ КАДРЛАРИ ЗАХИРАСИНИ МАҚСАДЛИ ЎҚИТИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ 351-СОН ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 декабрдаги "Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 351-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 декабрдаги 351-сонли қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Мазкур қарор билан қуйидагилар:

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш курсларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом;

Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг бошқарув кадрлари захирасини мақсадли ўқитиш курсларини тамомлаганлик тўғрисидаги сертификат намунаси тасдиқланганлиги;

ишдан ажралган ҳолда мақсадли ўқитиш курсларига юбориладиган тингловчилар учун ўқитишнинг бутун даврида эгаллаб турган лавозим ва асосий иш жойи бўйича ўртача иш ҳақи сақланиши;

ишдан ажралган ҳолда мақсадли ўқитиш курсларига юбориладиган бошқа ҳудудлардан келган тингловчилар тегишли равишда

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълими вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим тизимининг педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш Бош илмий-методик марказида яшаш жойлари билан таъминланиши, шунингдек, уларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда асосий иш жойи бўйича ўқитиш жойига бориш ва келиш учун бир марталик йўлкира харажатлари қопланиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Аҳмедов) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда:

бир ой муддатда мақсадли ўқитиш курсларини юқори ташкилий ва касбий даражада ўтказиш учун зарур норматив, ўқув, методик ва моддий-техник база яратиш чора-тадбирларини ташкил этсин;

мақсадли ўқитиш курслари доирасида таълим жараёни сифатли ташкил этилиши ва натижалар юзасидан тизимли таҳлил, мониторинг олиб борилишини, шунингдек, раҳбарлик лавозимларида ишлаш учун кадрлар тайёрлашнинг талаб этиладиган даражасини таъминлаш учун зарур бўлган касбий кўникма ва лаёқатларнинг ривожланиш динамикасини баҳолашни доимий асосда амалга оширсин.

4. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Ахмедов), Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев), давлат педагогика институтлари ректорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда биргаликда захирага танлашда ҳамда номзодларни раҳбарлик лавозимларига тавсия этишда мақсадли ўқитиш курсларини муваффақиятли тамомлаганлар таркибидан энг малакали, ташаббускор ва истиқболли шахсларни тавсия қилинадиган кадрларнинг тегишли рўйхатларига киритилишини таъминласин.

5. А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти (М.Юлдашев), Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Ахмедов) ва Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев):

бир ҳафта муддатда замонавий таълим бошқаруви бўйича А.Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш Марказий институти ҳамда ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малака-

сини ошириш институтларида раҳбар лавозимига захирага олинган ходимлар учун ташкил этиладиган бир ойлик малака ошириш курсларини мазкур қарор билан тасдиқланган Низом талабларига кўра қайта кўриб чиқиш вазифаси юклатилсин.

6. Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев) ҳамда Назорат ва таҳлил бошқармаси (И.Аллаберганов):

ҳудудий халқ таълими бошқарув органлари, давлат педагогика ҳамда халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари, вазирлик тасарруфидаги ташкилотлар ва муассасаларда доимий равишда кадрлар захираси масаласида мақсадли ва комплекс ўрганишларни амалга оширсин, ҳар бир ўрганиш натижаси кенгайтирилган йиғилишларда (селектор, ҳайъат ва ишлаб чиқариш йиғилишлари) муҳокама қилинсин, камчиликларга йўл қўйган масъул раҳбарларга нисбатан қатъий интизомий жазо чораларини қўллаш бўйича таклиф киритиб борсин.

7. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2015 йил 14 декабрь* *322-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2016 ЙИЛДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик Кенгашининг 2015 йил 10 декабрдаги 65-сонли (11.12.2015 йил, №07-07/1-76) йиғилиши баёни билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури" (бундан буён матнда Дастур деб юритилади)да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Дастурда белгиланган тегишли вазифалар ижросини таъминлаш бўйича Халқ таълими вазирлигининг тармоқ дастури (бундан буён матнда тармоқ дастури деб юритилади) 1-иловага, Дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича вазирлик ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага, Дастурда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича вазирлик мониторинг гуруҳи таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вазирлик ишчи гуруҳига:

тармоқ дастуридаги ҳар бир бандда белгиланган вазифаларнинг муддатида ва сифатли бажарилишини таъминлаш;

тармоқ дастурининг жойлардаги ижросини назоратга олиш;

жойларга хизмат сафарига чиқилганда тармоқ дастурининг таълим муассасаларидаги ижроси ва эришилган натижаларини ўрганишга ҳамда ҳудудларга амалий-услубий ёрдам кўрсатишга

алоҳида эътибор қаратиш вазифалари юклатилсин.

4. Вазирлик мониторинг гуруҳига Дастурда белгиланган тегишли вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар (меъёрий ҳужжатлар, қилинган ишлар бўйича ойлик маълумотлар, фото ва видео ҳамда ОАВларда эълон қилинган материаллар)ни Республика Мониторинг гуруҳининг Интернетдаги www.yd.uz сайтига ҳар ойнинг 5-санасига қадар белгиланган талаблар асосида киритиб бориш вазифаси топширилсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарлари, Давлат педагогика ҳамда ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ректорларига:

уч кун муддатда вазирликнинг тармоқ дастурида белгиланган вазифалар асосида ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш;

бир ҳафта муддатда ҳар бир туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимларининг ҳамда барча умумий ўрта таълим мактаблари ва мактабдан ташқари таълим муассасалари тегишли дастурларининг ишлаб чиқилишини таъминлаш;

ҳудудий дастурларнинг ижросини таъминлаш ва назорат қилиш бўйича ҳудудий мониторинг гуруҳларини тузиш, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратиш;

Дастурнинг мазмун-моҳиятини, унда белгиланган вазифаларни ҳамда мамлакатимизда ўқувчи-ёшларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етишишлари учун барча шарт-шароитларнинг яратилганлиги ҳақида барча таълим муассасаларида педагогик жамоалар ва ота-оналар ўртасида давра суҳбатлари ташкил этиш, ўқувчилар учун “Эрталабки сафланиш”, “Тарбиявий соатлар” ва “Маънавият кунлари”да тушунтириш ишларини олиб бориш;

тармоқ дастурида ва ҳудудий дастурларда белгиланган вазифаларнинг таълим муассасаларида тўлиқ, сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаш ҳамда тадбирларнинг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, уларда ўқувчиларнинг фаол иштирокини таъминлаш;

Дастур ижроси юзасидан таълим муассасаларида амалга оширилаётган тадбирларни мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини ташкил этиш;

Тармоқ дастурининг ижроси юзасидан умумлаштирилган ойлик маълумотлар (меъёрий ҳужжатлар, қилинган ишлар бўйича ойлик маълумотлар, фото ва видео ҳамда ОАВ ёритилганлик материал-

лари)ни ҳар ойнинг 25-санасига қадар вазирликнинг мониторинг гуруҳи (Ж.Камолов)га электрон шаклда (j.kamolov@xtv.uz) тақдим этиб бориш вазифалари юклатилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Дастурда кўрсатилган тегишли вазифаларнинг ҳудудда ва муассасаларда юқори савияда ва белгиланган муддатларда тўлиқ амалга оширилиши юзасидан шахсий масъулият Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаси бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари, Давлат педагогика институтлари, ҳудудий халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ҳамда таълим муассасаларининг раҳбарлари зиммасига юклатилади.

7. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев) ҳамда вазирлик муассислигидаги газета ва журналлар бош муҳаррирларига тармоқ дастури доирасида таълим муассасаларида амалга оширилаётган ишларни мунтазам равишда оммавий ахборот воситалари ҳамда вазирликнинг расмий веб-сайти орқали кенг ёритилиши тавсия этилсин.

8. Ушбу буйруқнинг ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг*
*2015 йил 14 декабрдаги*
*322-сонли буйруғига 1-илова*

**Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш бўйича Халқ таълими вазирлигининг тармоқ дастури**

(Асос: Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 декабрдаги 65-сонли (07-07/1-76-сонли) баёни)

| № | Чора-тадбирлар | Амалга ошириш механизми | Ижро муддати | Дастурда белгилан-ган масъул ижро-чилар | Халқ таълими, вазирлигидан масъул |
|---|---|---|---|---|---|
| **I. Ёшларнинг ҳуқуқий маданнятини юксалтириш, демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлан-тириш жараёнларида уларнинг фаоллигини ошириш** | | | | | |
| 1. | (2) Умумий ўрта таълим мактабла-ри ўқувчиларининг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақ-садида “Ҳуқуқ билим-донлари” республика танловини ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. ОАВда танловни кенг тарғиб қилиш, саралаш босқичини барча умумий ўрта таълим мактабларида ўтказиш ва таълим муассаса тер-ма жамоаларини шакллантириш.<br>3. Танловнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўтказиш.<br>4. Республика босқичини ўтказиш. | Январь<br>Февраль-март<br>Март-апрель<br>Май | Халқ таълими вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ФЖШМҚМИ | Ҳ.Даминов Ф.Ахмедов Б.Шайвалиев, РТМ (И.Зокиров), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 2. | (3) Ёшларнинг ҳуқукий саводхонлигини ошириш мақсадида “Ҳуқуқий саводхонлик ойлиги”ни ўтказиш. | 1. Тарғибот материалларини (маъруза матнлари, тақдимотлар, тарқатма материаллар, кўргазмали тарғибот воситалари) тайёрлаш ва жойларга етказиш.<br>2. Тарғибот гуруҳларини шакллантириш, улар учун ўқув-семинарлар ташкил этиш ва тарғибот материаллари билан таъминлаш.<br>3. Ойликни барча таълим муассасалари, меҳнат жамоалари, маҳаллаларда ташкил этиш ва ОАВда кенг тарғиб қилиш. | Август<br>Сентябрь-октябрь<br>Ноябрь-декабрь | Адлия вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази, “Камолот” ЁИҲ, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Х.Даминов, Ф.Ахмедов, Б.Шайвалиев, РТМ (И.Зокиров), А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ (М.Юлдашев), ДПИлар, ҳудудий ХТХҚТМОИлар, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| 3. | (10) “Камолот” ЁИҲ бошланғич ташкилотларининг ҳудудий семинарлари, “Энг намунали бошланғич ташкилот” танловлари ва республика форумларини ўтказиш. | 1. Ҳудудий семинарлар, кўрик-танловлар ва республика форумларининг режа ва дастурларини тасдиқлаш.<br>2. Семинар, танлов ва республика форумини ўтказиш, жумладан:<br>- умумий ўрта таълим мактаблари бошланғич ташкилотлар етакчилари учун; | Февраль<br>II-III чораклар | “Камолот” ЁИҲ, Халқ таълими. вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, ФЖШМҚМИ, тегишли корхона, муассаса ва ташкилотлар | Х.Даминов, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | -ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари бошланғич ташкилот етакчилари учун;<br>- олий таълим муассасалари бошланғич ташкилог етакчилари учун;<br>- корхона, муассаса ва ташкилотлар бошланғич ташкилот етакчилари учун. | II-III чораклар<br>II-III чораклар<br>III-IV чораклар | | |
| 4. | (11) “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларидаги бошланғич ташкилотлари сардорлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида “Йил сардори” республика танловини ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш, танлов низоми ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Танловнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўтказиш.<br>3. Танловнинг республика босқичини ташкил этиш. | Январь<br>I чорак<br>II чорак | “Камолот” ЁИҲ, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, ФЖШМҚМИ | Х.Даминов, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| **II. Юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга бўлган ватанпарвар ёшларни тарбиялаш, уларда турли мафкуравий таҳдидларга қарши иммунитетни шакллантириш** | | | | | |
| 5. | (12) Республиканинг барча ҳудудларида | 1. Ишчи гуруҳини тузиш, фестиваль дастури ва режасини тасдиқлаш. | Январь | “Камолот” ЁИҲ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, | Х.Даминов, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | фан, таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларнинг таниқли вакилларини кенг жалб қилган ҳолда, “Биз буюк юрт фарзандларимиз!” шиори остида ёшлар фестивалларини ўтказиш. | 2. Ижодий ва тарғибот гуруҳларини шакллантириш.<br>3. Фестивалларни барча ҳудудларда ўтказиш. | Февраль<br><br>I-II чораклар | Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, “Ўзбеккино” миллий агентлиги, “Ўзбекнаво” эстрада бирлашмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, ДПИлар, Республика таълим муассасалари |
| 6. | (13) Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш, умумий ўрта таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни таҳлилий ўрганиш.<br>2. Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>3. Чора-тадбирлар режасини амалга ошириш юзасидан мониторинг олиб бориш ва маълумот тайёрлаш. | Март<br><br>Апрель<br><br>Ҳар чорак якунида | Халқ таълими вазирлиги, Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази, “Камолот” ЁИҲ, ФЖШМҚМИ, Хотин-қизлар қўмитаси | Х.Даминов, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, ДПИлар, ҳудудий ХТХҚТМОИлар, Республика таълим муассасалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 7. | (16) Ўқувчи-ёшларда фавқулодда ҳолатларга тайёр туриш кўникмаларини шакллантириш мақсадида “Ёш қутқарувчи” республика мусобақасини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш, мусобақа низоми ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Мусобақанинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўтказиш.<br>3. Мусобақанинг республика босқичини Фарғона вилоятида ўтказиш. | Февраль-Март<br>Апрель-Май<br>Июнь | Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Ф.Ахмедов, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| 8. | (18) “Вояга етмаганлар ўртасида олиб бориладиган тарбиявий ишларнинг ижтимоий-психологик асослари” мавзусидаги республика илмий-амалий семинарини ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш, семинар концепцияси, чора-тадбирлар режаси ва дастурини тасдиқлаш. ОАВда эълон қилиш.<br>2. Илмий мақолалар танловини ўтказиш ва семинар иштирокчилари рўйхатини шакллантириш.<br>3. Семинарни Қарши шаҳрида ўтказиш ва мақолалар тўпламини нашр этиш. | Март<br>Апрель-Май<br>Июнь | Ўрта-махсус касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, Фанлар академияси, Республика маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ЁИҲ | Х.Даминов, Ф.Ахмедов Б.Шайвалиев, Қ.Ниёзий номидаги ЎзПФИТИ (Ж.Нигматов) Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, ДПИлар, Республика таълим муассасалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 9. | (20) “Ораста қизлар” ҳудудий танловларини ўтказиш ва танлов ғолибларининг республика анжуманини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш, танлов низоми ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. Танловни ОАВда тарғиб қилиш.<br>2. Танловнинг туман (шаҳар) босқичини ўтказиш.<br>3. Танловнинг ҳудудий босқичини ўтказиш.<br>4. Танлов ғолибларининг республика анжуманини ташкил этиш. | I чорак<br>Сентябрь<br>Октябрь<br>Ноябрь | Хотин-қизлар қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ЁИҲ, Республика маънавият тарғибот маркази, “Соғлом авлод учун” хайрия жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Х.Даминов, Б.Шайвалиев, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| 10. | (22) Ёшлар ўртасида қуйидаги мавзуларда социологик тадқиқотлар ўтказиш:<br>- “Ёшлар ва миллий урф-одатлар”<br>- “Ёшлар ва соғлом турмуш тарзи”<br>- “Ёшлар ва тадбиркорлик”<br>- “Ёшлар ва интернет” | 1. Социологик тадқиқотларни ўтказиш бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш.<br>2. Сўровларни режа асосида ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларини таҳлил қилиш. | Март<br>Йил давомида | “Ижтимоий фикр” жамоатчилик маркази, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, “Камолот” ЁИҲ | Х.Даминов, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, ДПИлар, Республика таълим муассасалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 11. | (24) Халқ таълими вазирлиги тизимидаги “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, улар ўртасида республика танловини ташкил этиш | 1. Ишчи гуруҳини тузишда тадбирлар режаси, танлов низоми ва Дастурини тасдиқлаш.<br>2. Марказлар фаолиятини таҳлилий ўрганиш ва такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>3. Чора-тадбирлар режасини амалга ошириш ва натижаси бўйича маълумот тайёрлаш.<br>4. Марказлар ўртасида республика танловини ташкил этиш. | Январь<br>I чорак<br>Ҳар чоракда<br>Йил давомида | Халқ таълими вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ, “Ватанпарвар” ташкилоти, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Х.Даминов, Республика “Баркамол авлод” марказлари, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ |
| 12. | (25) Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг бўш вақтлари ва дам олишларини мазмунли ташкил этиш мақсадида болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳлари фаолияти самарадорлигини ошириш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш, оромгоҳлар фаолиятини таҳлилий ўрганиш.<br>2. Оромгоҳлар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>3. Чора-тадбирлар режасини амалга ошириш ва натижаси бўйича маълумот тайёрлаш. | I чорак<br>Апрель<br>II-III чораклар | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши,<br>Халқ таълими вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Х.Даминов, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 13. | (26) Ёшлар ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар самарадорлигини ошириш, бу борада ички ишлар ходимларининг вояга етмаганлар билан олиб бораётган фаолиятини кенг тарғиб қилишга қаратилган “Эзгулик ҳудуди” (ишчи ном) миллий сериалини суратга олиш. | 1. Ижодий гуруҳни шакллантириш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Сериалнинг сценарийсини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.<br>3. Сериални суратга олиш.<br>4. Сериал тақдимотини ўтказиш. | Январь<br>I чорак<br>I-II чораклар<br>Сентябрь | МТРК, Ички ишлар вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика маънавият тарғибот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси | Х.Даминов, Б.Шайвалиев, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| **III. Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш, замонавий касб-ҳунарларни пухта эгаллашлари учун муносиб шароитлар яратиш, уларни иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш** | | | | | |
| 14. | Ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган “Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси” танловини ўтказиш ҳамда “Ёш мутахассислар” IV республика форумини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Турли соҳаларда фаолият юритаётган ёш мутахассислар ўртасида “Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси” танловини ўтказиш.<br>3. Танловнинг ғолиб ва совриндорлари иштирокида “Ёш мутахассислар” республика форумини ташкил этиш. | Апрель<br>II чорак<br>III чорак | Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ЁИҲ, тегишли вазирлик ва идоралар | Б.Шамсиев<br>М.Ваҳобов<br>Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 15. | (33) Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини касбга йўналтириш, ўқишини давом эттириши ва иш билан таъминланишига кўмаклашиш мақсадида “Таълим ва мутахассислик” кўргазмаларини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Кўргазмада иштирок этадиган корхона, ташкилот ва муассасалар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Кўргазмани барча ҳудудларда ташкил этиш.<br>4. Республика кўргазмасини ўтказиш. | Январь<br>Февраль<br>Йил давомида<br>Сентябрь | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Савдо-саноат палатаси, “Камолот” ЁИҲ, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, тегишли вазирлик ва идоралар | Б.Шамсиев<br>Ф.Ахмедов<br>Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| 16. | (36) Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалари талаба ва ўқувчилари яшаш жойларида уларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳини шакллантириш, ўрганиш режаси, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарорини тасдиқлаш.<br>2. Талаба (ўқувчи)лар турар жойларини ва уларнинг мазмунли дам олишлари учун яратилган шароитларни ўрганиш.<br>3. Ўрганиш натижалари бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш.<br>4. Амалга оширилган ишлар юзасидан таҳлилий маълумот тайёрлаш. | Январь<br>Февраль<br>Йил давомида<br>Ҳар чорак якунида | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ, тегишли вазирлик ва идоралар | Ф.Ахмедов,<br>Х.Даминов,<br>ДПИлар |
| **IV. Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга қаратилган ишларни тизимли йўлга қўйиш** | | | | | |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 17. | (38) Турли соҳаларда юқори натижаларга эришган ёшларни "Ўзбекистон белгиси" кўкрак нишони билан тақдирлаш. | 1. Танлов комиссиясини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Кўкрак нишонига номзодлар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Номзодларни ўрганиш ва тақдирланувчилар рўйхатини тасдиқлаш.<br>4. Тантанали тақдирлаш маросимини ўтказиш. | Апрель<br>II чорак<br>III чорак<br>Декабрь | “Камолот” ЁИҲ, тегишли вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Х.Даминов, Б.Шамсиев Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| 18. | (39) Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш мақсадида “Ёшлар ҳафталиги”ни ташкил этиш. | 1. Ташкилий ва ижодий гуруҳларни тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Ҳафталикни ОАВ орқали кенг тарғиб қилиш, тадбирлар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Ҳафталикни Тошкент шаҳрида ўтказиш. | Январь<br>III чорак<br>IV чорак | “Камолот” ЁИҲ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Бадиий академия, Ёшлар маданият ва санъат маркази, тегишли вазирлик ва идоралар | Ф.Ахмедов, Х.Даминов, Қ.Атамирзаев, А.Алимов, Б.Шайвалиев Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, ДПИлар, Республика таълим муассасалари |
| 19. | (40) Ўсиб келаётган авлоднинг маданият ва санъат соҳаларидаги қобилиятларини барвақт аниқлаш ва | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Танловни ОАВ орқали тарғиб қилиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш. | Апрель<br>Май-август | “Камолот” ЁИҲ, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Бадиий академия, Ёшлар ташаббуслари маркази, | Қ.Атамирзаев, Б.Шайвалиев, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | ривожлантириш мақсадида “Камалак” юлдузлари” Республика болалар ижодиёти фестивалини ўтказиш. | 3. Танловнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўтказиш.<br>4. Танловнинг республика босқичини ўтказиш. | Сентябрь-<br>Октябрь Ноябрь | Ёшлар маданият ва санъат маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| 20. | (43) Мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позицияга эга бўлган ёшларни тарбиялаш, уларда тизимли таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш ва моҳирона мунозара олиб бориш қобилиятини ривожлантириш ҳамда етакчилик маҳоратини оширишга қаратилган “Фаол ёшлар мактаби” тажриба-синов лойиҳасини амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш, лойиҳа низомини тасдиқлаш ва ҳамкор ташкилотлар ўртасида қўшма қарор имзолаш.<br>2. Лойиҳани ОАВ орқали кенг тарғиб қилиш. Лойиҳа веб-сайтини яратиш.<br>3. Тажриба-синов лойиҳасини Тошкент шаҳрида амалга ошириш.<br>4. Лойиҳа натижалари бўйича таҳлилий маълумот тайёрлаш. | Январь<br>Февраль-март<br>Йил давомида<br>Декабрь | “Камолот” ЁИҲ, Халқ таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги | Х.Даминов, Б.Шайвалиев, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, ДПИлар, Республика таълим муассасалари |

**V. Ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга кенг жалб этиш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 21. | (54) Республикада фаолият юритаётган спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш, ҳудудлар кесимида мавжуд спорт-соғломлаштириш муассасалари ҳолатини ўрганиш.<br>2. Спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>3. Чора-тадбирларни амалга ошириш. | I чорак<br>Апрель<br>Йил давомида | Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ЁИҲ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | А.Алимов, Б.Сафаров, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ Республика таълим муассасалари |
| 22. | (55) Республикада фаолият юритаётган олий таълим муассасалари талабалари ўртасида “Универсиада - 2016” спорт мусобақаларини ташкил этиш. | 1. Ҳудудларда мусобақанинг саралаш босқичларини ўтказиш.<br>2. Мусобақанинг республика босқичини Фарғона вилоятида ўтказиш. | I-II чораклар<br>Май | Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ, тегишли вазирлик ва идоралар, Фарғона вилояти ҳокимлиги | А.Алимов, Б.Сафаров, Фарғона вилояти ХТБ (З.Тешабоев), |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 23. | (56) Ўзбек миллий спорт турлари ва халқ ўйинларининг “Бархаёт қадриятлар” ҳафталигини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Ҳафталикни ҳудудларда ташкил этиш. | Февраль<br>Март-апрель | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | А.Алимов, Б.Сафаров, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| 24. | Ёшлар ўртасида техник ва амалий спорт турлари бўйича республика мусобақаларини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш, ҳамкорлар ўртасида қўшма қарор ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Мусобақаларнинг ҳудудий босқичларини ўтказиш.<br>3. Мусобақаларнинг республика босқичларини ўтказиш. | Апрель<br>I-II чораклар<br>III чорак | “Ватанпарвар” ташкилоти, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, “Камолот” ЁИҲ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | А.Алимов, Х.Даминов, Б.Сафаров, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 25. | (58) Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ОИВ/ОИТС касаллиги, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, тамаки чекиш каби иллатларнинг олдини олишга қаратилган “Биз - соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз” акциясини ўтказиш. | Тарғибот материалларини (маъруза матнлари, тақдимотлар, тарқатма материаллар, кўргазмали тарғибот воситалари) тайёрлаш.<br>2. Тарғибот гуруҳларини шакллантириш, улар учун ўқув-семинарлар ташкил этиш ва тарғибот материаллари билан таъминлаш.<br>3. Тарғибот тадбирларини барча таълим муассасаларида, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ташкил этиш. | Март<br>Апрель<br>Йил давомида | “Камолот” ЁИҲ, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, Ички ишлар вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси | Х.Даминов, А.Алимов, РТМ (И.Зокиров), А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ (М.Юлдашев), ДПИлар, ҳудудий ХТХҚТМОИлар Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| 26. | (59) Ёшларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш мақсадида “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, корхона ва ташкилотлардаги бошланғич ташкилотлари ўртасида футбол бўйича “Камолот” кубоги” мусобақаларини ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳларини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Мусобақаларнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўтказиш.<br>3. Мусобақаларнинг финал босқичини ўтказиш. | Апрель<br>II чорак<br>III чорак | “Камолот” ЁИҲ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон футбол федерацияси, тегишли вазирлик ва идоралар | А.Алимов, Б.Сафаров, ДПИлар |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 27. | (60) Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, велоспорт турини оммалаштиришга қаратилган “Камолот”-Тур” IX республика ёшлар веломарафонини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Веломарафоннинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўтказиш.<br>3. Веломарафоннинг финал босқичини Тошкент шаҳрида ўтказиш. | Июнь<br>III чорак<br>Сентябрь | “Камолот” ЁИҲ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон велоспорт федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси | А.Алимов, Б.Сафаров, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| 28. | (61) Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни спортнинг шахмат турига кенг жалб қилиш мақсадида “Камолот” шахмат тахтаси” IX республика очиқ турнирини ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Турнирнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўтказиш.<br>3. Турнирнинг финал босқичини Андижон шаҳрида ўтказиш. | Апрель<br>II чорак<br>Апрель | “Камолот” ЁИҲ, Ўзбекистон шахмат федерацияси, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Андижон вилояти ҳокимлиги | А.Алимов, Б.Сафаров, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| 29. | (62) Қизлар ўртасида спортнинг бадиий гимнастика турини оммалаштириш мақсадида “Камолот” ғунчалари” очиқ республика турнирини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш, мусобақа низоми ва режасини тасдиқлаш.<br>2. Мусобақанинг ҳудудий босқичларини ўтказиш.<br>3. Мусобақанинг финал босқичини Бухоро вилоятида ўтказиш. | Апрель<br>III чорак<br>Октябрь | “Камолот” ЁИҲ, Ўзбекистон бадиий гимнастика федерацияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, Бухоро вилояти ҳокимлиги | А.Алимов, Б.Сафаров, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 30. | (63) Қизларни спорт билан шуғулланишга кенг жалб этиш мақсадида футбол бўйича “Яшил майдон маликалари” 11 очиқ турнирини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш, турнир низоми ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Турнирнинг ҳудудий босқичларини ўтказиш.<br>3. Турнирнинг финал босқичини Навоий вилоятида ўтказиш. | Апрель<br>II чорак<br>III чорак | Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон футбол федерацияси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, “Камолот” ЁИҲ, Навоий вилояти ҳокимлиги | А.Алимов, Б.Сафаров, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| **VI. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олиш** | | | | | |
| 31. | (64) Ёшлар, шу жумладан, вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни олдини олишга қаратилган “Ёшлар ва қонун” тарғибот лойиҳасини амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳларини шакллантириш<br>2. Тарғибот материалларини (маъруза матни, такдимот, тарқатма материал, кўргазмали тартибот воситалари) тайёрлаш.<br>3. Тарғиботни барча таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ташкил этиш, шунингдек, ОАВда кенг ёритиш. | Январь<br>Февраль<br>Йил давомида | Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ЁИҲ, МТРК | Х.Даминов, Б.Шайвалиев, РТМ (Зокиров), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 32. | (65) Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида йўл, ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини тарғиб қилишга қаратилган "Яшил чироқ" мусобақаларини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори, мусобақа низоми ва чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. ОАВда мусобақани кенг тарғиб килиш, саралаш босқичини барча умумий ўрта таълим муассасаларида ўтказиш.<br>3. Мусобақанинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўтказиш.<br>4. Мусобақанинг республика босқичини ўтказиш. | Январь<br>Март<br>Апрель-май<br>Июнь | Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, "Камолот" ЁИҲ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Ф.Ахмедов, Б.Шайвалиев, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| 33. | (68) Вояга етмаган шахсларнинг ғайри ижтимоий хатти-ҳаракат ва маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишларини ҳамда уларнинг тунгги вақтда ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар кузатувисиз кўнгил очиш (дам олиш) жойларида бўлишларига йўл қўймасликка қаратилган тадбирларни амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Ҳар бир ҳудудда мутасадди ташкилот вакилларидан иборат мониторинг гуруҳларини тузиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш.<br>3. Барча ҳудудларда мазкур масала юзасидан мониторинг ўтказиш.<br>4. Аниқланган ҳолатларни таҳлил қилиш, профилактик чоралар кўриш ҳамда телевидение ва бошқа ОАВ орқали кенг ёритиш. | Январ<br>Февраль ,<br>Доимий<br>Доимий | Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ЁИҲ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Х.Даминов, Б.Шайвалиев, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 34. | (69) Беҳаёлик, зўравонлик ва шаффақсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотларни тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тарқатиш, реклама қилиш ва намойиш этилишининг олдини олишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Ҳар бир ҳудудда мутасадди ташкилот вакилларидан иборат мониторинг гуруҳларини тузиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш.<br>3. Барча ҳудудларда мазкур масалалар юзасидан мониторинг ўтказиш.<br>4. Аниқланган ҳолатларни таҳлил килиш, профилактик чоралар кўриш ҳамда телевидение ва бошқа ОАВ орқали ёритиш. | Январь<br>Февраль<br>Доимий<br>Доимий | Ички ишлар вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Солиқ қўмитаси, Божхона қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, хотин-қизлар қўмитаси, "Камолот" ЁИҲ, Республика маънавият тарғибот маркази | Х.Даминов, Б.Шайвалиев, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| 35. | (70) Ички ишлар идораларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганлар учун тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳларини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Оромгоҳларни тайёрлаш ва жалб этиладиган вояга етмаганлар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Ҳар бир ҳудудда тарбия ва спорт-соғломлаштириш оромгоҳларини ташкил этиш. | Май<br>Июнь<br>Июль-август | "Камолот" ЁИҲ, Ички ишлар вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, "Ватанпарвар" ташкилоти, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Х.Даминов, А.Алимов, Б.Сафаров, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 36. | (71) Хорижда ишлашнинг қонуний асослари ҳамда одам савдосига қарши курашнинг мазмун-моҳиятини ёшларга тушунтириш мақсадида “Одам савдоси - давр муаммоси” тарғибот лойиҳасини амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Тарғибот материалларини (маъруза матнлари, тақдимотлар, тарқатма материаллар, кўргазмали тарғибот воситалари) тайёрлаш.<br>3. Тарғибот ишларини барча таълим муассасаларида, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ташкил этиш.<br>4. Мазкур мавзуни телевидение ва бошқа ОАВ орқали кенг ёритиш. | Январь<br>Февраль<br>Йил давомида<br>Йил давомида | Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссияси, Ички ишлар вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, “Камолот” ЁИҲ | Ҳ.Даминов, Б.Шайвалиев, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, ДПИлар, Республика таълим муассасалари |
| 37. | (72) Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик ҳолатларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Ҳар бир ҳудудда мутасадди ташкилот вакилларидан иборат мониторинг гуруҳларини тузиш ва улар фаолиятини йўлга қўйиш.<br>3. Ҳар бир туман (шаҳар) ҳудудида белгиланган масалалар юзасидан таълим муассасаларида мониторинг ўтказиш.<br>4. Аниқланган ҳолатларни таҳлил қилиш ва профилактик чоралар кўриш. | Январь<br>Февраль<br>Ҳар ойда<br>Ҳар чоракда | Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Хотин-қизлар қўмитаси, “Камолот” ЁИҲ, Васийлик ва ҳомийлик органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Х.Даминов, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |

| VII. Баркамол авлодни тарбиялашда оммавий ахборот воситалари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 38. | (74) Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳиятини тарғиб қилиш мақсадида жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, халқимизнинг урф-одат ва анъаналари тўғрисидаги видеоролик- ларнинг “Янги нигоҳ” танловини ўтказиш | 1. Ишчи гуруҳини шакллантириш, танлов концепцияси ва низомини ишлаб чиқиш.<br>2. Танловни ОАВ орқали тарғиб қилиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Танловнинг ғолиб ва совриндорларини аниқлаш ва тантанали тақдирлаш маросимини ўтказиш. | Январь<br>Йил давомида<br>Ноябрь | “Камолот” ЁИҲ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, “Ўзбектуризм” миллий компанияси, МТРК, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси | Х.Даминов, Б.Шайвалиев Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, ДПИлар, Республика таълим муассасалари. |
| 39. | (81) Ёшларнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш, интилишларини қўллаб-қувватлаш, уларни маънавий ва жисмоний камол топтириш, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда иқтидорли йигит-қизларнинг ютуқларини кенг тарғиб қилиш мақсадида марказий ва ҳудудий телерадиоканалларда туркум телерадио дастурларни яратиш. | 1. Ижодий гуруҳ тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Телерадио дастурларни тайёрлаш ва эфирга узатиш.<br>3. Информацион дастурларда ёшлар мавзусига бағишланган лавҳа, интервью ва репортажлар бериб бориш. | Январь<br>Йил давомида<br>Йил давомида | МТРК,<br>Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Камолот” ЁИҲ, Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази | Б.Шайвалиев, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 40. | (82) Ахборот-коммуникация технологиялари ва миллий Интернет сегментини ривожлантириш соҳасида фаолият юритаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида “MIT.uz” - миллий интернет танловини ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Танловни ОАВ орқали тарғиб қилиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Танловнинг саралаш босқичларини ўтказиш.<br>4. Танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросимини ўтказиш. | 1-чорак II чорак II-III чораклар IV чорак | “Камолот” ЁИҲ ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, “Ўзбектуризм” миллий компанияси, МТРК | А.Хундибаев, У.Тойлоқов, Б.Шайвалиев, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика умумтаълим муассасалари |
| 41. | (83) Ёш компьютер дастурчиларини қўллаб-қувватлашга қаратилган “Best Soft Challenge” республика танловини ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш, танлов низоми ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Танловни ОАВ орқали тарғиб қилиш, иштирокчилар рўйхатини шакллантириш.<br>3. Танловнинг саралаш босқичларини ўтказиш.<br>4. Танловнинг ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш маросимини ўтказиш. | II чорак<br>II чорак<br>III чораклар<br>Сентябрь | Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, “Камолот” ЁИҲ | А.Хундибаев, Б.Шайвалиев, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, ДПИлар, Республика таълим муассасалари |

**VIII. Ёшларни ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш, уларни соғлом эътиқод ва миллий қадриятларга содиқлик, диний бағрикенглик ва миллатлараро ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялаш**

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 42. | (86) Умумий ўрта таълим мактабларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича масъуллари ҳамда “Жаҳон динлари тарихи” фани ўқитувчилари учун малака ошириш курсларини ташкил этиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш, малака ошириш курслари дастури, жадвали ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Маърузачилар рўйхатини шакллантириш, уларни маъруза матнлари, тақдимот ва тарқатма материаллари билан таъминлаш.<br>3. Малака ошириш курсларини ташкил этиш. | Январь<br>Март<br>Йил давомида | Тошкент ислом университети, Халқ таълими вазирлиги, Дин ишлари бўйича қўмита | Х.Даминов, А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ (М.Юлдашев), ЎзПФИТИ (Ж.Нигматов), ДПИлар, ҳудудий ХТХҚТМОИлар Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Рес-публика таълим муассасалари |
| 43. | (87) Мамлакатимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, ёшлар орасида кенг тарғиб этиш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини мустаҳкамлаш мақсадида юртимиздаги тарихий обидалар, буюк аждодларимиз номлари билан боғлиқ муқаддас зиёратгоҳларга ташрифлар уюштириш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш, ҳамкор ташкилотлар қўшма қарори ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Таълим муассасалари талаба ва ўқувчиларининг зиёратгоҳларга ташрифларини уюштириш. | Январь<br>Йил давомида | “Ўзбектуризм” миллий компанияси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Республика маънавият тарғибот маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари | Х.Даминов, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, ДПИлар, Республика таълим муассасалари |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| 44. | (89) Ёшларни диний экстремизм ва ақидапарастлик каби бузғунчи ғоялар таъсиридан асраш мақсадида таълим муассасаларида “Маърифий ислом ақидапарастликни қоралайди”, “Диний экстремизм ва терроризм – ёшлар келажагига таҳдид” мавзуларида тарғибот тадбирларини ўтказиш. | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш.<br>2. Тарғибот материалларини (маъруза матнлари, тақдимотлар, тарқатма материаллар, кўргазмали тарғибот воситалари) тайёрлаш.<br>3. Тарғибот гуруҳларини шакллантириш ва улар учун ўқув-семинарлар ташкил этиш.<br>4. Тарғибот тадбирларини барча таълим муассасалари, меҳнат жамоалари ва маҳаллаларда ташкил этиш. | Январь<br>Февраль<br>Март<br>Йил давомида | Дин ишлари бўйича қўмита, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Тошкент ислом университети, “Камолот” ЁИҲ, “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази | Х.Даминов, А.Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ (М.Юлдашев), ДПИлар, ҳудудий ХТХҚТМОИлар, Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, Республика таълим муассасалари |
| 45. | (91) Ёшларда ёт ғояларга қарши мустаҳкам иммунитетни шакллантириш мақсадида | 1. Ишчи гуруҳини тузиш ва тадбирлар режасини тасдиқлаш. ОАВда эълон қилиш.<br>2. Танловнинг туман (шаҳар) ва ҳудудий босқичларини ўтказиш. | Март<br>Апрель | Дин ишлари бўйича қўмита, Тошкент ислом университети, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, | Х.Даминов, РТМ (И.Зокиров), Қорақалпоғистон Республикаси ХТВ, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ХТБ, |

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | “Жаҳолатга қарши маърифат”, “Мен диний экстремизм ва терроризм таҳдидини қандай тушунаман?” мавзуларида ижодий ишлар (шеър, иншо ва расмлар) танловини ташкил этиш. | 3. Танловнинг республика босқичини ўтказиш.<br><br>4. Энг сара ижодий ишлар тўпламларини нашр этиш. | Май<br><br>Июнь | Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази,<br>“Камолот” ЁИҲ, Республика маънавият тарғибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази | Республика таълим муассасалари |

*Халқ таълими вазирининг*
*2015 йил 14 декабрдаги*
*322-сонли буйруғига 2-илова*

**Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастурида белгиланган тегишли вазифалар ижросини таъминлаш бўйича вазирликнинг**
**ИШЧИ ГУРУҲИ ТАРКИБИ**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | У .Иноятов | – Халқ таълими вазири, ишчи гуруҳ раиси |
| 2. | Б.Данияров | – Вазирнинг биринчи ўринбосари, раис ўринбосари |
| 3. | Д.Кенжаев | – Вазир ўринбосари, раис ўринбосари |
| 4. | У.Абруев | – Вазир ўринбосари, раис ўринбосари |
| 5. | Э.Искандаров | – Вазир ўринбосари, раис ўринбосари |
| | | **АЪЗОЛАР:** |
| 6. | Ф.Аҳмедов | – Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи |
| 7. | Ш.Эргашев | – Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи |
| 8. | Б.Шамсиев | – Кадрлар бошқармаси бошлиғи |
| 9. | Х.Даминов | – Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи |
| 10. | Қ.Атамирзаев | – Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси бошлиғи |
| 11. | Н.Муротов | – Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва хисоботи бошқармаси бошлиғи |
| 12. | А.Алимов | – Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи |
| 13. | И.Аллаберганов | – Назорат ва таҳлил бошқармаси бошлиғи |
| 14. | С.Миразимов | – Бош юрисконсульт |
| 15. | Б.Шайвалиев | – Ахборот хизмати раҳбари |
| 16. | Лавозими бўйича | – Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, вазирлик тасарруфидаги республика ташкилотлари раҳбарлари |

*Халқ таълими вазирининг*
*2015 йил 14 декабрдаги*
*322-сонли буйруғига 3-илова*

**Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш бўйича вазирликнинг мониторинг гуруҳи таркиби**

| | | |
|---|---|---|
| 1. Ж.Камолов | – | Маънавий-ахлоқий тарбия бўлими бошлиғи, гуруҳ раҳбари |
| 2. Ф.Зарипов | – | Қ.Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори ёрдамчиси, котиб |
| 3. Д.Эрматов | – | “Баркамол авлод” болалар марказлари фаолиятини мувофиқлаштириш шўъбаси мудири, аъзо |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2015 йил 19 декабрь* *327-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2015 ЙИЛ 17 ДЕКАБРДАГИ 365-СОНЛИ ҚАРОРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сонли "Жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш, вазирлик тизимида марказий маълумотлар базаларини шакллантириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сонли "Жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Халқ таълими вазирлиги тизимидаги жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш бўйича назорат-режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш йўналишлар бўйича вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров, вазир ўринбосарлари Д.Кенжаев, У.Абруев ва Э.Искандаровлар зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У.Иноятов**

*Халқ таълими вазирлигининг*
*2015 йил19 декабрдаги*
*327-сонли буйруғига илова*

**Халқ таълими вазирлиги тизимидаги жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш бўйича**

**НАЗОРАТ РЕЖАСИ**

| Т/р | Тадбирлар режаси | Ижро муддати | Масъул (-лар) |
|---|---|---|---|
| 1. | «Электрон ҳукумат» тизимининг жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги ва «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими тўғрисидаги Низомларни раҳбарлик ва ижро учун қабул қилиш. | | Вазирликнинг тегишли бош бошқарма, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, шўъба мудирлари, вазирлик тизимидаги барча бошқарув ва таълим муассасалари раҳбарлари |
| 2. | Вазирлик тизимидаги ахборот тизимларининг техник ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказишда қуйидагиларни инобатга олиш:<br>тегишли ахборотларни олишда фақат марказий маълумотлар базасида мавжуд маълумотлардан фойдаланиш;<br>жисмоний ва юридик шахсларнинг ягона идентификаторидан фойдаланиш;<br>очиқ маълумотлар тўпламидан турли кўринишда фойдаланиш имкониятини таъминлаш;<br>жараёнларни электрон кўринишга ўтказишга, муддатларини қисқартиришга, харажатларни камайтиришга қаратилган | доимий | Таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (А.Хундибаев), вазирликнинг тегишли бош бошқарма, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, шўъба мудирлари |

| | | | |
|---|---|---|---|
| | функционал ва операцион жараёнларни қайта ташкил этиш ҳамда уларни оптималлаштириш чораларини кўриш. | | |
| 3. | Вазирлик тизимидаги тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарор меъёрларига мувофиқлаштириш чораларини кўриш. | 2016 йил 15 февралга қадар | Вазирликнинг тегишли бош бошқарма, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, шўъба мудирлари |
| 4. | «Электрон ҳукумат» тизимидаги жисмоний ва юридик шахсларнинг марказий маълумотлар базаларини яратиш, шакллантириш ва юритиш натижалари, шунингдек, «Электрон ҳукумат» тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизими доирасида амалга оширилаётган ишлар бўйича тегишли маълумотларни тайёрлаш. | ҳар чоракда | Таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (А.Хундибаев), вазирликнинг тегишли бош бошқарма, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, шўъба мудирлари |

***Асос:*** *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 17 декабрдаги 365-сонли қарори (вазирликда 109-ВҚ-сон билан кирим қилинган).*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ

## Қ А Р О Р И

## УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИНИ ДАРСЛИКЛАР ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМАЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 28 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2577-1**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги ПҚ-362-сон «Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сон «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигининг 2014 йил 20 мартдаги 14, 25, 15-ққ, 08-05-04-сон қарори (рўйхат рақами 2577, 2014 йил 28 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 18-сон, 202-модда) билан тасдиқланган Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш

тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Халқ таълими вазири** **У. Иноятов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 21 декабрь,*
*27-мҳ-сон*

**Молия вазири** **Р. Азимов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 21 декабрь,*
*106-сон*

**Маданият ва спорт ишлари вазири** **Б. Ахмедов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 21 декабрь,*
*24-сон*

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори** **О. Юнусов**

*Тошкент ш.,*
*2015 йил 21 декабрь,*
*10-сон*

*Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги,
Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги,
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 2015 йил 21
декабрдаги 27-мҳ, 106, 24, 10-сон қарорига
ИЛОВА*

**Умумтаълим мактабларини дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 22-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. Республика бўйича дарсликларни харид қилишнинг истиқбол квоталарини ҳар бир ҳудудлар кесимида шакллантиришда 1-синф ўқувчиларига синфлар ва таълим тиллари бўйича буюртманинг умумий ҳажмидан 5% гача, 2 – 9-синф ўқувчиларига дарсликлардан фойдаланиш даврларида синфлар ва таълим тиллари кесимида энг кўп ўқувчилар контингенти таҳлили асосида умумтаълим мактаби кутубхона жамғармасининг захираси шакллантирилиши мумкин.».

2. 40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«40. Дарсликлар тўплами учун ижара тўлови миқдорини аниқлаш жараёнида тегишли миқдордаги дарсликларни жорий молия йилида янгилаш ва ижара тизимига киритилишида уларни харид қилиш ва етказиб бериш учун зарур бўладиган маблағларнинг шартномавий ҳажми, Жамғарма ижроия дирекциясининг ўтган молия йилидаги ҳақиқий харажати ҳамда ўтган молия йилидаги Жамғарма томонидан ҳақиқатда олинган ёки келгуси молия йилида олиниши кутиладиган даромадлар ҳисобга олинади.

Бунда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 1 июндаги ПҚ-363-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармасининг маблағларини шакллантириш ва фойдаланиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ дарсликлар учун ижара тўловларини ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Васийлик кенгаши томонидан белгиланади.».

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2015 йил 24 декабрь* *331-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2015 ЙИЛ 22 ДЕКАБРДАГИ ПҚ-2455-СОНЛИ ҚАРОРИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли "Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

2016 йил 1 январдан бошлаб болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқиш учун ота-оналар тўловларининг амалдаги энг кам ойлик иш ҳақига нисбатан қуйидаги табақалаштирилган миқдорлари татбиқ этилади:

мусиқа йўналишлари бўйича: Тошкент шаҳрида - 75%, вилоят марказларида - 50%;

Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа аҳоли пунктларида - 30%;

санъат йўналишлари бўйича: Тошкент шаҳрида - 50%, вилоят марказларида - 30%;

Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа аҳоли пунктларида - 20%;

халқаро (1-3 ўринлар) ва республика (1-ўрин) танловларида мусиқа ва санъат йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган болаларнинг бир календарь йил мобайнида мусиқа ва санъат мактабида

ўқиши, шунингдек, ўқувчилар умумий сонининг (ўқув йили бошланишида) 25 фоизи доирасида кам таъминланган оилаларнинг болалари таълим олишлари Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

болалар мусиқа ва санъат мактабларида бир оиладан 2 ёки ундан ортиқ болалар таълим олган ҳолда, уларнинг ҳар бири учун амалда белгиланган тўловнинг 70 фоизи миқдорида ота-оналар тўлови амалга оширилади.

3. Мусиқа ва санъат таълим муассасалари бошқармаси (Қ.Атамирзаев), Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов) икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 31 декабрдаги 46 ва 121-сонли қарори (АВ рўйхат рақами 1898, 2009 йил 5 февраль) билан тасдиқланган “Ота-оналар томонидан болаларнинг болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқиши учун ҳақ тўлаш ва ундан фойдаланиш тартиби тўғрисида низом”га тегишли ўзгартиришлар киритилишини ҳамда ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Н.Муротов), Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Аҳмедов):

Молия вазирлиги билан келишган ҳолда икки ой муддатда “Умумтаълим муассасаларининг куни узайтирилган гуруҳларида болалар таъминоти учун ота-оналар тўловини тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарор лойиҳасини ишлаб чиқсин ва унинг ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Молия вазирлигининг 2008 йил 21 январдаги 2 ва 4-сонли қарори (АВ рўйхат рақами 1768, 2008 йил 18 февраль) билан тасдиқланган “Мактабгача тарбия болалар муассасалари ва мактаб-интернатлардаги болалар таъминотига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом”га тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилишини ҳамда ўрнатилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Назорат ва таҳлил бошқармаси (И.Аллаберганов), Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларига:

мазкур буйруқ ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 22 декабрдаги ПҚ-2455-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2016 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози

ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарорини тизимдаги барча таълим муассасаларига етказиш;

таълим муассасаларини ягона ижтимоий тўлов ва солиқ тўловлари миқдорларидан хабардор қилиш;

давлат бюджети ҳисобидан молиялаштириладиган мактабгача таълим муассасаларида болалар таъминоти учун 2016 йилда амал қиладиган тўлов миқдорлари ҳамда болаларни мусиқа ва санъат мактабларида ўқитиш учун тўлов миқдорлари билан тегишли муассасаларни таништириш;

халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларига ишдан ажралган ҳолда малака оширишга юборилган тингловчиларнинг ўқиши даврида асосий иш жойи бўйича лавозими ва ўртача иш ҳақи сақланиб қолиши, уларга малака ошириш институтига бориш ва қайтиш бўйича бир марталик йўл ҳақи харажатлари тўлаб берилиши ҳамда ушбу меъёрлар қайта тайёрлов курсларига юборилган ходимлар учун амал қилмаслиги бўйича тушунтириш ишларини ўтказиш вазифалари топширилсин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров, вазир ўринбосарлари Д.Кенжаев ва У.Абруев зиммаларига юклансин.

**Вазир** **У.Иноятов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2015 йил 24 декабрь* *322-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## “КАМАЛАК ЮЛДУЗЛАРИ” БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ ФЕСТИВАЛИ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ ИШТИРОКИДАГИ ЯКУНИЙ ГАЛА-КОНЦЕРТНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 20 ноябрдаги ПҚ-2435-сон “Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Ёшларга оид сиёсат, таълим, маданият ва спорт масалалари комплекси мажлисининг 2015 йил 22 декабрдаги “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи ғолиблари иштирокидаги якуний гала-концертни ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги 72-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи ғолиблари иштирокидаги якуний гала-концерти 2016 йилнинг 15-16 январь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи ғолиблари иштирокидаги якуний гала-концертини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ таркиби 1-иловага, фестивал иштирокчилари ва масъуллар рўйхати 2-иловага, фестиваль иштирокчиларини овқатлантириш бўйича сарф-харажатлар сметаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси (Қ.Атамирзаев)га:

Р. Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи қошида “Камалак юлдузлари” республика штабини ташкил этиш;

ҳудудлардан олинган маълумотларни умумлаштириш ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши билан мувофиқлаштириш;

“Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалининг республика якуний гала-концерти иштирокчилари учун ётоқхона ва ошхоналарда доимий навбатчиликни ташкил этиш ҳамда уларнинг сифатли овқатланишини доимий назоратга олиш;

2016 йилнинг 16 январь куни “Истиқлол” санъат саройида ўтказиладиган гала-концертга саройдаги ўринлардан келиб чиққан ҳолда Тошкент шаҳридаги болалар мусиқа ва санъат мактабларининг ўқувчиларини масъул ходим кузатуви остида томошабин сифатида иштирок этишини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқларига;

“Камалак юлдузлари” республика фестивали якуний гала-концерти иштирокчиларини Тошкент шаҳрига келиши, шунингдек, гала-концерт тугагандан сўнг ўз манзилларига етиб боришларида Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича бўлинма мудирларини масъул этиб белгилаш;

иштирокчиларнинг Тошкент шаҳрига келиш-кетишларини таъминлаш мақсадида ҳудудий ички ишлар бошқармалари вакиллари кузатуви остида ташкиллаштириш ва иштирокчиларнинг ҳар 10 нафарига 1 тадан масъул бириктириш;

Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларидан бириктирилган масъулларга иштирокчиларнинг тартиб-интизомини назорат қилиш вазифалари юклатилсин.

5. Вазирликнинг Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев), “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Рахимов) ҳамда вазирлик муассислигидаги барча газета ва журналлар таҳририятларига фестивалнинг якуний босқичини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш тавсия этилсин.

6. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Р.Зулфиқоров)га “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивали республика босқичи ғолиблари иштирокидаги якуний гала-концертини ўтказиш билан боғлиқ маблағларни иловадаги смета асосида ўз вақтида Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг ҳисоб рақамига ўтказилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

7. Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси (Қ.Атамирзаев), Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи (Б.Қурбонов)га:

“Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивали ғолиблари, якуний гала-концерт иштирокчиларини ётоқхона билан таъминлаш;

ётоқхона ҳолатини санитария ва гигиена меъёрларига мувофиқ тайёрлаш ҳамда сифатли овқатланишни ташкил этиш вазифалари топширилсин.

8. Р.Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи директори (Б.Қурбонов) фестивал билан боғлиқ харажатлар тўғрисида ҳисобот тайёрлаб, фестивал якунлангандан кейин ўн кун муддатда вазирликнинг Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармасига тақдим этсин.

9. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари Д.Кенжаев зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг*
*2015 йил 24 декабрдаги*
*332-сонли буйруғига 1-илова*

## “Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи ғолиблари иштирокидаги якуний гала-концертини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ
## Т А Р К И Б И

| | | |
|---|---|---|
| Д.Кенжаев | – | Вазир ўринбосари, ишчи гуруҳ раиси |
| Қ.Атамирзаев | – | Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси бошлиғи, раис ўринбосари |
| Ж.Шомуродов | – | Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси бош назоратчиси, масъул котиб |
| Ф.Ахмедов | – | Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш Бош бошқармаси бошлиғи, аъзо |
| Б.Шайвалиев | – | Ахборот хизмати бошлиғи, аъзо |
| Б.Қурбонов | – | Р.Глиэр номидаги РИМАЛ директори, аъзо |
| Д.Джамалова | – | В.Успенский номидаги РИМАЛ директори, аъзо |
| Ж.Халилов | – | Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси етакчи муҳандиси, аъзо |
| М.Мухитдинова | – | Тошкент шаҳар 4-сонли БМСМ директори, аъзо |
| Б.Қурбонов | – | Тошкент шаҳар 14-сонли БМСМ директори, аъзо |

*Халқ таълими вазирининг*
*2015 йил 24 декабрдаги*
*332-сонли буйруғига 2-илова*

**“Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи ғолиблари иштирокидаги якуний гала-концерти иштирокчилари сони ва масъуллар рўйхати**

| № | Ҳудудлар | Жами иштирокчилар сони | шундан: | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | Ўқувчилар сони | Ўқитувчи ва жўрнавозлар сони | Вилоятдан бириктирилган масъуллар сони |
| 1. | Қорақалпоғистон Республикаси | 21 | 18 | 2 | 1 |
| 2. | Андижон вилояти | 10 | 7 | 2 | 1 |
| 3. | Бухоро вилояти | 25 | 21 | 3 | 1 |
| 4. | Самарқанд вилояти | 29 | 25 | 3 | 1 |
| 5. | Сурхондарё вилояти | 13 | 10 | 2 | 1 |
| 6. | Сирдарё вилояти | 10 | 7 | 2 | 1 |
| 7. | Жиззах вилояти | 6 | 4 | 1 | 1 |
| 8. | Қашқадарё вилояти | 16 | 13 | 2 | 1 |
| 9. | Навоий вилояти | 20 | 16 | 3 | 1 |
| 10. | Наманган вилояти | 17 | 14 | 2 | 1 |
| 11. | Фарғона вилояти | 13 | 10 | 2 | 1 |
| 12. | Хоразм вилояти | 23 | 20 | 2 | 1 |
| 13. | Тошкент вилояти | 52 | 46 | 5 | 1 |
| **Жами:** | | **255** | **211** | **31** | **13** |

*Халқ таълими вазирининг*
*2015 йил 24 декабрдаги*
*332-сонли буйруғига 3-илова*

**“Камалак юлдузлари” болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичи ғолиблари иштирокидаги якуний гала-концерти иштирокчиларини овқатлантириш бўйича сарф-харажатлар сметаси**

Иштирокчилар сони 255 нафар
Иштирокчиларни овқатлантириш харажатлари 26 775 000 сўм

Нонушта 255 нафар иштирокчи х 3 кун х 9000 сўм = 6 885 000

Тушлик 255 нафар иштирокчи х 3 кун х 15000 сўм = 11 475 000

Кечки овқат 255 нафар иштирокчи х 3 кун х 11000 сўм = 8 415 000

*Изоҳ: 1. Сарф харажатлар рўйхати тахминий бўлиб, ҳақиқий харажатлар танлов натижасида аниқланади.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2015 йил 24 декабрь* *333-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

### ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2015 ЙИЛ 22 ДЕКАБРДАГИ 1026-Ф-СОНЛИ ФАРМОЙИШИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил якунларига бағишланган йиғилишига маълумотларни сифатли тайёрлаш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 декабрдаги 1026-Ф-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 декабрдаги 1026-Ф-сонли фармойиши раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирликнинг барча бошқарма ва бўлим бошлиқлари, Республика таълим маркази, Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази ҳамда Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази директорларига:

2015 йил давомида амалга оширилган ишлар, юзага келган муаммолар ва келгусида бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалар юзасидан тегишли маълумотларни тайёрлаш ҳамда жорий йилнинг 28 декабрига қадар вазирликнинг Назорат ва таҳлил бошқармасига тақдим этиш вазифаси юклатилсин.

3. Назорат ва таҳлил бошқармаси (И.Аллаберганов) бошқарма ва бўлимлардан, шунингдек, республика ташкилотларидан олинган маълумотларни умумлаштирсин ҳамда 2015 йилнинг 29 декабрига қадар Вазирлар Маҳкамасига тақдим этишни таъминласин.

4. Қуйидаги масъул раҳбарлар 2016 йилнинг 5 январига қадар тегишли маълумотлар ва таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритишни таъминласин:

4.1. Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик Республика ташхис маркази (К.Гафуров) умумтаълим мактаблари 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга тўлиқ қамраб олиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳолати тўғрисида;

4.2. Таълим муассасаларини моддий-техник таъминотини ташкил этиш бошқармаси (Ф.Узаков), Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А.Алимов):

бюджетдан ташқари таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ҳамда Болалар спортини ривожлантириш жамғармалари маблағлари ҳисобидан 2015 йилда янги қуриладиган ва капитал таъмирланадиган умумтаълим мактаблари, спорт объектлари, болалар мусиқа ва санъат мактабларида амалга оширилаётган қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳамда уларни жиҳозлаш ҳолати тўғрисида;

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги 143-сонли “2013-2016 йилларда таълим муассасаларининг чет тиллари кабинетларини замонавий ахборот-коммуникация, ўқитишнинг техник воситалари ва анжомлари билан жиҳозлаш (қўшимча жиҳозлаш)ни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 5 майдаги ПҚ-2343-сонли “2015-2019 йилларда иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада энергия ҳажмини қисқартириш, энергияни тежайдиган технологияларни жорий этиш бўйича чоралар дастури тўғрисида”ги қарори ижроси тўғрисида;

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржада имзоланган шартномаларнинг бажарилиши тўғрисида;

4.3. Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси (Ш.Эргашев), Республика таълим маркази (И.Зокиров) Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 8 майдаги 124-сонли “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллар бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори ижроси тўғрисида;

4.4. Инвестицияларни жалб қилиш ва халқаро ҳамкорлик бўлими (Д.Тошпўлатов) 2015 йилга мўлжалланган инвестиция дастурларининг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар тўғрисида;

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 255-сонли “Орол денгизи талофатларини яхшилаш, 2015-2018 йилларда

Оролбўйи минтақасини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва тиклаш бўйича Комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори ижроси тўғрисида;

4.5. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Ҳ.Даминов), Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А.Алимов), Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси (Қ.Атамирзаев), Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев), Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Аҳмедов) келгусида мактабдан ташқари таълим тизимини ҳамда ҳудудий халқ таълими бошқарув идоралари тузилмасини ривожлантириш тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сонли "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижроси тўғрисида;

4.6. Кадрлар бошқармаси (Б.Шамсиев) Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги 52-сонли "Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси тўғрисида;

4.7. Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси (Ҳ.Даминов) тегишли бошқарма ва бўлимлар билан ҳамкорликда "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида Халқ таълими вазирлигига юклатилган вазифалар ижроси тўғрисида;

4.8. Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси (Ф.Аҳмедов):

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги УП-4732-сонли "Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси тўғрисида;

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги 251-сонли "2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш Концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори ижроси тўғрисида;

4.9. Таълим-тарбия жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўлими (А.Хундибаев), Назорат ва таҳлил бошқармаси (И.Аллаберганов), Маънавий-ахлоқий тарбия бош-

қармаси (Ҳ.Даминов), Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров):

ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастурларнинг бажарилиши, натижавийлиги, компьютер ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш самарадорлиги, халқ таълими тизимида электрон хужжат алмашинувини ривожлантириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730-сонли “Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси тўғрисида;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ-1989-сонли “Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси тўғрисида;

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 31 декабрдаги 355-сонли “Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳолатини баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси тўғрисида;

4.10. Мусиқа ва санъат таълими муассасалари бошқармаси (Қ.Атамирзаев) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 20 ноябрдаги ПҚ-2435-сонли “2016-2020 йилларда Болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини такомиллаштириш Давлат дастури тўғрисида”ги қарори ижроси тўғрисида;

4.11. Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси (А.Алимов) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 23 ноябрдаги ПҚ-2438-сонли “Олий маҳорат спорт мактабларини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ижроси тўғрисида.

5. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари, давлат педагогика ва халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтлари ректорлари ҳамда вазирлик тасарруфидаги республика муассаса ва ташкилотлари раҳбарлари жорий йилнинг 26 декабрига қадар юқоридаги кўрсатиб ўтилган йўналишлар асосида 2015 йил давомида амалга оширилган ишлар, юзага келган муаммолар ва келгусида бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалар

юзасидан тегишли ҳисоботларни раҳбар имзоси билан вазирликнинг тегишлилиги бўйича бошқарма ва бўлимларига, ҳисоботларнинг электрон нусхасини Назорат ва таҳлил бошқармасига тақдим этсин.

6. Мазкур буйруқ қабул қилиниши муносабати билан вазирликнинг 2015 йил 21 сентябрдаги 264-сонли буйруғи назоратдан олинсин.

7. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

*Асос: Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 декабрдаги 1026-Ф-сонли фармойиши.*

**Вазир** **У. Иноятов**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2015 йил 25 декабрь* *334-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА 2016 ЙИЛДА ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИНИ ЎЗ ВАҚТИДА СИФАТЛИ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Васийлик Кенгашининг 2015 йил 10 декабрдаги 65-сонли (11.12.2015 йил, №07-07/1-76) йиғилиши баёни билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури” (бундан буён матнда Дастур деб юритилади)нинг 2-, 13-, 24-, 54-бандлари ижросининг ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Вазир ўринбосари Д.Кенжаев Дастурнинг 2-, 23-, 24-бандлари ҳамда вазир ўринбосари Э.Искандаров Дастурнинг 54-банди ижросини таъминлаш юзасидан масъул этиб белгилансин.

Уларга бандлар доирасида тадбирларни юқори савияда ташкил этиш ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

2. Маънавий ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, бўлим бошлиғи Ж.Камоловга Дастурнинг 2-, 13-, 24-, 54-бандлари ижросига оид материаллар (меъёрий ва ташкилий ҳужжатлар, ижро бўйича ойлик маълумотлар, фото ва видеоматериаллар, ОАВларда эълон қилинган материаллар)ни республика мониторинг гуруҳининг интернетдаги www.yd.uz сайтига белгиланган талаблар асосида, ўз муддатида киритиб бориш вазифаси юклатилсин.

3. Ушбу буйруқнинг ижро назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Вазир** **У. Иноятов**

**Ўзбекистон Республикасида 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар Дастури бандларининг ижроси юзасидан Халқ таълими вазирлигидан бириктирилган масъул шахслар**
**РЎЙХАТИ**

| № | Чора-тадбирлар номи | Асосий ижрочининг буйруғи № ва санаси | Банд бўйича масъул раҳбар (лавозими, ФИО, телефон, e.mail) | Банд бўйича хисобот учун масъул (лавозими, ФИО, телефон, e.mail) |
|---|---|---|---|---|
| 1. (2) | Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларининг ҳуқуқий билимларини мустаҳкамлаш мақсадида "Ҳуқуқ билимдонлари" республика танловини ўтказиш. | Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил _ декабрдаги -сонли буйруғи | Вазир ўринбосари Д.Кенжаев тел: 239-44-87 | Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, бўлими бошлиғи Ж.Камолов тел: 239-45-12 j.kamolov@xtv.uz |
| 2. (13) | Умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш. | Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил __ январдаги -сонли буйруғи | Вазир ўринбосари Д.Кенжаев тел: 239-44-87 | Маънавий-ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи ўринбосари, бўлими бошлиғи Ж.Камолов тел: 239-45-12 j.kamolov@xtv.uz |
| 3. (24) | Халқ таълими вазирлиги тизимидаги "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, улар ўртасида республика танловини ташкил этиш | Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил __ январдаги -сонли буйруғи | Вазир ўринбосари Д.Кенжаев тел: 239-44-87 | "Баркамол авлод" болалар марказлари фаолиятини ташкил этиш шўъбаси мудири Д.Эрматов тел: 239-11-73 d.ermatov@xtv.uz |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| 4. (54) | Республикада фаолият юритаётган спорт-соғломлаштириш муассасалари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини янада оширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш. | Халқ таълими вазирлигининг 2016 йил __ январдаги -сонли буйруғи | Вазир ўринбосари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Э.Искандаров тел: 239-47-44 | Болалар спортини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи А.Алимов Тел: 239-47-53 fnadjimov@xtv.uz |

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРИНИНГ

*2015 йил 30 декабрь* *343-сонли*

## Б У Й Р У Ғ И

## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА “ЭНГ ЯХШИ ДАРС ИШЛАНМАСИ” КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2015 йил 31 октябрдаги 6-сонли Ҳайъат қарори ижросини таъминлаш, ўқитувчилар орасидан илғор, ташаббускор, ижодкор, фидойи, компетентли, ёшларни баркамол шахслар этиб тарбиялаётган, таълим-тарбия жараёнида илғор педагогик технологиялардан унумли фойдаланиб, ижобий натижаларга эришаётган ўқитувчиларнинг фаоллигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва ижодий изланишларини ривожлантириш, иш тажрибаларини ҳамда дарс ишланмаларини оммалаштириш мақсадида

**БУЮРАМАН:**

1. Халқ таълими тизимидаги умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчилари ўртасида “Энг яхши дарс ишланмаси” кўрик-танлови (бундан буён матнда кўрик-танлов деб юритилади) 2016 йилнинг 1 февралидан 10 мартигача ўтказилсин.

2. Кўрик-танловни ўтказиш тўғрисидаги низом 1-иловага, кўрик-танловни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 2-иловага, кўрик-танловни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар сметаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ташкилий қўмитага:

кўрик-танловни юқори савияда ўтказиш чораларини кўриш;

кўрик-танловнинг 2-босқичига тавсия этилган дарс ишланмаларини баҳолаш учун юқори тажрибали, малакали мутахассислардан иборат Ҳакамлар ҳайъатлари таркибини тасдиқлаш;

кўрик-танловнинг холисона ўтишини, ҳакамлар ҳайъатларининг адолатли фаолият олиб боришини назорат қилиш вазифалари юклатилсин.

4. Молиялаштириш, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бошқармаси (Р.Зулфиқоров) тасдиқланган сарф-харажатлар сметасига мувофиқ тегишли пул маблағларини Республика таълим марказининг банк ҳисоб рақамига ўтказиб берсин.

5. Вазирлик ҳузуридаги Мультимедиа умутаълим дастурларини ривожлантириш маркази (К.Гафуров)га кўрик-танлов вазирликнинг расмий веб-сайти ва ахборот-таълим портали орқали ташкил этилишини инобатга олган ҳолда расмий веб-сайт ва ахборот-таълим порталининг узлуксиз ишлашини таъминлаш вазифалари юклатилсин.

6. Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари:

белгиланган муддатларда умумтаълим муассасалари ўқитувчиларининг кўрик-танловда фаол иштирок этишларини таъминлаш;

таълим муассасалари ўқитувчиларининг кўрик-танловнинг 1-босқичига келиб тушган дарс ишланмаларини баҳолаш учун ҳар бир йўналиш бўйича ҳакамлар ҳайъати таркибини тузиш ва тасдиқлаш, бунда ҳакамлар ҳайъатининг юқори тажрибали, малакали мутахассислардан таркиб топишига алоҳида эътибор қаратиш;

кўрик-танловнинг 1-босқичининг адолатли ўтишини таъминлаш;

кўрик-танловнинг 1 ва 2-босқичларида юқори натижаларга эришган ўқитувчиларни рағбатлантириш чораларини кўрсин.

7. “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари (А.Рахимов) га кўрик-танловнинг асосий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда кўрик-танлов ғолиблари ва уларнинг иш фаолияти билан боғлиқ материалларни газета саҳифаларида чоп этиш тавсия этилсин.

8. Ахборот хизмати (Б.Шайвалиев)га кўрик-танловни ўтказиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида ёритиб бориш чораларини кўрсин.

9. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари Б.Данияров зиммасига юклатилсин.

**Вазир** **У. Иноятов**

*Халқ таълими вазирининг*
*2015 йил 30 декабрдаги*
*343-сонли буйруғига 1-илова*

**Халқ таълими тизимидаги таълим муассасалари ўқитувчилари ўртасида “Энг яхши дарс ишланмаси” кўрик-танловини ўтказиш тўғрисида**
**НИЗОМ**

Ушбу Низом халқ таълими тизимида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар ўртасида “Энг яхши дарс ишланмаси” кўрик-танловини (кейинги ўринда кўрик-танлов деб аталади) ташкил этиш тартибини белгилайди.

## 1- боб. Умумий қоидалар

1. Кўрик-танловнинг ташкилотчилари Республика таълим маркази, Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази, “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари ҳисобланади.

2. Кўрик-танловни ташкил этиш ва ўтказиш Республика ташкилий қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Кўрик-танлов Халқ таълими вазирлигининг расмий веб-сайти ва ахборот-таълим портали орқали ташкил этилади.

3. Кўрик-танлов умумий ўрта таълим мактабларининг ўқув режасидаги барча фанлардан алоҳида номинациялар бўйича ўтказилади.

Мазкур Низом ва Кўрик-танловни ташкил этиш бўйича тегишли ахборотлар вазирлик тизимидаги веб-сайтлар ҳамда ахборот-таълим порталига жойлаштирилади.

## 2-боб. Кўрик-танловнинг долзарблиги

4. Дарс ишланмаси дарс жараёнида ўқитувчининг таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва ўқувчиларни фаннинг дастури бўйича эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма, малакаларини, иш тартибини белгилаб берувчи ҳужжат ҳисобланади.

Ўқитувчи томонидан дарснинг мақсадига эришиш учун мавзу асосида дарсда фойдаланиладиган мультимедиа воситалар, элек-

трон манбалар, кўргазмали ва дидактик материаллар, адабиётлар ҳамда ўқувчиларнинг билим савиясини ҳисобга олган ҳолда дарснинг жиҳозланишига жиддий эътибор бериш, ўқув материаллари ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун таълимнинг илғор педагогик технологиялари ва усулларини ўринли қўллаш муҳимдир.

## 3-боб. Кўрик-танловнинг мақсади

5. Тизимдаги юқори малакали ўқитувчиларни аниқлаш ва уларнинг нуфузини ошириш, инновацион фаолиятга жалб қилиш, ўз ижоди ва маҳоратини намойиш этиши учун соғлом рақобат ва ижодкорлик муҳитини яратиш Кўрик-танловнинг асосий мақсади ҳисобланади.

## 4-боб. Кўрик-танловнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

ўқитувчиларнинг касбий компетентлилиги ва маҳоратини ошириш;

таълим муассасаларида дарслар сифатини ошириш;

илмий-методик томондан талаб даражасида ишланган дарс ишланмалари билан таъминлаш орқали ўқитувчиларга методик ёрдам кўрсатиш;

илғор иш тажрибаларини аниқлаш ва оммалаштириш;

дарс ишланмаларни ишлаб чиқиш орқали ўқитувчиларни инновацион ва ижодий фаолиятини фаоллаштириш;

дарс жараёнини илмий-методик йўналтирилган ҳолда олиб боришни ривожлантириш;

методик ишланмалар электрон банкини ташкил этиш.

## 5-боб. Кўрик-танловда иштирок этиш

7. Кўрик-танловда халқ таълими тизимидаги барча умумий ўрта таълим муассасаларининг ўқитувчилари иштирок этиши мумкин.

Иштирокчиларни ёши ва иш стажи чегараланмайди.

Кўрик-танловда фақат якка ҳолда қатнашиш мумкин.

Кўрик-танловда иштирок этиш учун буюртмалар “Халқ таълими вазирлигининг кўрик-танловлар тизими - http://tanlov.uzedu.uz/”га мактаб кабинети орқали онлайн тарзда юборилади.

8. Кўрик-танловда қатнашиш бепул амалга оширилади.

## 6-боб. Кўрик-танловни ўтказиш вақти ва тартиби

9. Кўрик-танлов вазирликнинг расмий веб-сайти ва ахборот-таълим портали орқали қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

10. Кўрик-танловда иштирок этишни хоҳлаган ўқитувчилар 2016 йил 1 февралдан 10 март куни соат 24:00 га қадар ўзлари фаолият юритаётган мактаб кабинети орқали онлайн шаклда кўрик-танловда қатнашиш учун ўз дарс ишланмаларини тақдим этадилар.

Тизимга киритилмаган ўқитувчилар ҳақидаги маълумотлар мактаб маъмурияти томонидан тизимга киритилгандан сўнг улар кўрик-танловда иштирок этиш учун буюртма бериш имконига эга бўладилар.

Юбориладиган дарс ишланмаси ва унинг иловаларининг умумий ҳажми 50 MB дан ошмаслиги лозим.

11. **1-босқич:** Келиб тушган аризалар Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармаларида тузилган ҳакамлар ҳайъати томонидан 2016 йилнинг 11 мартидан 31 март куни соат 24-00 га қадар танлов сайти орқали баҳоланади.

Ҳудудий халқ таълими бошқаруви органининг ҳакамлар ҳайъати таркиби Қорақалпоғистон Республикаси халқ таълими вазири, Тошкент шаҳар ва вилоятлар халқ таълими бошқармалари бошлиқлари томонидан тасдиқланади.

Ҳудудий ҳакамлар ҳайъати томонидан кўрик-танловга келиб тушган буюртмалар асосида ҳар бир фан йўналиши бўйича энг юқори балл қўйилган 5 (бешта) иштирокчилар иккинчи босқичда иштирок этади.

12. **2-босқич:** Ташкилий қўмита томонидан ҳар бир йўналиш бўйича тасдиқланган ҳакамлар ҳайъатлари 2016 йилнинг 1 апрель кунидан бошлаб ҳар бир ҳудуд бўйича ҳар бир йўналишдан энг юқори балл тўплаган 5 тадан, яъни 14 та ҳудуддан 70 та дарс ишланмасини баҳолашади. Мазкур баҳолаш 2016 йилнинг 20 апрелига қадар амалга оширилади ва ғолиблар аниқланади.

## 7-боб. Кўрик-танлов шарти

13. Кўрик-танловда иштирокчи ўзи томонидан яратилган, 40-45 дақиқали фақат битта дарс ишланмаси билан қатнашиши мумкин.

Тақдим этилган дарс ишланмаси Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурига мос, олдин турли манбаларда нашр этилмаган, муаллифлик ҳуқуқини бузмаган бўлиши шарт.

Тақдим этилган ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Иштирокчи (ёки иштирокчилар) дарс ишланмасида кўрсатилган адабий ва иллюстратив материалларни қаердан олганлигини кўрсатиши лозим. Кўрик-танловга тақдим этилган материаллар қандай манбалардан олинганлиги кўриб чиқилиши мумкин.

## 8-боб. Баҳолаш мезонлари

14. Кўрик-танловга тақдим этилган дарс ишланмалари қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

| Т/р | Баҳолаш мезонлари | Қўйиладиган балл |
|---|---|---|
| 1. | Ўқув дастури асосида дарс мақсадларининг тўғри қўйилганлиги | 1-6 балл |
| 2. | Ўқув дастури асосида дарс шакли ва турини тўғри танланганлиги | 1-8 балл |
| 3. | Дарс босқичларининг тўғри, мантиқий изчиллика баён этилганлиги | 1-8 балл |
| 4. | Дарс ишланмасидаги тушунчаларнинг ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билим, кўникма ва малака элементларига мослиги, маълумотларнинг янгилиги ва долзарблиги | 1-8 балл |
| 5. | Дарс ишланмаси мазмунининг мантиқий изчилликда баён этилганлиги, аниқлиги, саводхонлиги, ҳаммага тушунарлилиги | 1-10 балл |
| 6. | Дарс ишланмасининг тарбиявий ва ижтимоий-педагогик аҳамиятлилиги | 1-10 балл |
| 7. | Дарс ишланмасининг баён этилишида илғор педагогик технология элементлари, методлардан тизимли фойдаланилганлиги, уларни аниқ ёритиб берилганлиги | 1-10 балл |
| 8. | Ўқувчиларга берилган барча турдаги топшириқлар ва уйга вазифанинг дарс мақсади ва вазифасига мослиги | 1-10 балл |
| 9. | Дарс ишланмасинининг методик янгилиги, ундан фойдаланишнинг қулайлилиги, таълим-тарбия жараёнига компетенциявий ёндашув асосида тузилганлиги | 1-10 балл |

| | | |
|---|---|---|
| 10. | Дарс босқичларида кўргазмали ва ахборот-коммуникация технологияларидан унумли фойдаланилганлиги | 1-10 балл |
| 11. | Қўшимча бадиий ва техник воситалардан фойдаланишни асосланганлиги | 1-10 балл |
| | **Жами** | **100 балл** |

## 9-боб. Кўрик-танловга тақдим этиладиган дарс ишланмаларига қўйилган техник талаблар

15. Кўрик-танлов материаллари электрон шаклда MS Word (2003) матн муҳарририда, Times New Roman шрифтида, кегль-14, ҳошия ўлчовлари: чап томони 2 см, қолган томонлари 1,5 см бўлган ҳолда, ўзбек ва рус тилларда (чет тилларни ўқитишга оид берилган дарс ишланмаси инглиз, немис, француз тилларида), 6 бетдан ошмаган ҳолда 1,5 интервалда тақдим этилади.

16. Титул варағида:

иштирокчининг фамилияси, исми, шарифи, иш жойи, лавозими, туман (шаҳар), вилоят;

фаннинг номи, синфи, дарс ишланмасининг мавзуси, ўқувчилар сони (тақдим этилаётган дарс ишланмаси синфда қанча ўқувчиларга мўлжалланган);

иштирокчининг электрон почта манзили (электрон почта манзили .UZ доменида очилган бўлиши лозим);

тақдим этилган дарс ишланмасининг қисқача аннотацияси.

Дарс ишланмасига дарс жараёнида фойдаланиладиган кўргазмали материаллар ҳам илова қилиниши мумкин. Тақдимотлар, мультимедиа иловалари алоҳида файлда юборилади.

Фойдаланган адабиётлар, интернет ресурсларининг манзиллари ишланманинг охирида кўрсатилади.

Кўрик-танловга юборилаётган дарс ишланмалар архивланиб, архивга иштирокчининг фамилияси ва исми ёзилган ҳолда юборилади (архив формати .zip ёки .rar).

## 10-боб. Кўрик-танлов якуни ва ғолибларни рағбатлантириш

17. Кўрик-танлов якуни 25 апрелда эълон қилинади.

Кўрик-танлов натижалари тўғрисида маълумотлар http://tanlov.

uzedu.uz/веб-сайти ва htlp://eduportal.uz ахборот-таълим портали ҳамда “Маърифат”, “Учитель Узбекистана” газеталари орқали эълон қилинади.

18. Кўрик-танлов натижасида ҳар бир фандан 3 нафардан ғолиб аниқланади ва 1-, 2-, 3-даражали дипломлар билан тақдирланади.

19. Кўрик-танлов натижасида йўналишлар бўйича «Энг яхши дарс ишланмаси” номинацияларини олган дарс ишланмалари муаллифлари ҳақида маълумотлар ва уларнинг дарс ишланмалари Халқ таълими вазирлигининг www.eduportal.uz ахборот-таълим порталига жойлаштирилади.

*Халқ таълими вазирининг*
*2015 йил 30 декабрдаги*
*343-сонли буйруғига 2-илова*

**“Энг яхши дарс ишланмаси” кўрик-танловини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби**

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ш.Эргашев | – | Умумтаълим мактабларида ўқув-тарбия жараёнини ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғи, раис; |
| 2. | И.Зокиров | – | Республика таълим маркази директори, раис ўринбосари; |
| 3. | Ф.Аҳмедов | – | Таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси, аъзо; |
| 4. | К.Гафуров | – | Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш маркази директори, аъзо; |
| 5. | А.Раҳимов | – | “Маърифат” ва “Учитель Узбекистана” газеталари бош муҳаррири, аъзо. |

**Bosh muharrir:**
Mahmudov Sarvar Yuldashevich

**Bosh muharrir o'rinbosari v.v.b:**
Umaraliyeva Muhayyo Abdugaparovna

**Mas'ul kotib:**
Tashxanov Nurbek Aybekovich

**Badiiy muharrir:**
Mamasoliyev Akbarali Hamzayevich

**Tahrir hay'ati:**
Ulug'bek INOYATOV, Dilshod KENJAYEV, Risboy JO'RAYEV, Hikmatilla RASHIDOV, G'ayrat SHOUMAROV, Sharifjon ERGASHEV, Fayzulla AHMEDOV, Shavkat SHARIPOV, Maqsudjon YULDASHEV, Islom ZOKIROV, Alisher ZOKIROV, Hikmatilla DAMINOV

Tahririyat manzili: 100159. Toshkent shahri, Mustaqillik maydoni, 5-uy.
E-mail: xalq_talimi@xtv.uz Tel: (0 371) 239-27-14, Faks: 239-27-11

Jurnal O'zMAA tomonidan 2015-yil 3-iyunda ro'yxatga olinib, 0852-raqamli guvohnoma berilgan.

Buyruq va ularning ilovalari to'liq, o'zgartirishsiz chop etilmoqda. Jurnal tahririyatning kompyuter bo'limida terilib, sahifalandi.

"PRINT LINE GROUP" xususiy korxonasi bosmaxonasida chop etildi.
Bosmaxona manzili:Toshkent shahri, Bunyodkor shoh ko'chasi, 44-uy.
Bosishga ruxsat etildi: 26. 01. 2016-y. Qog'oz bichimi 84x108 1/32.
Ofset bosma usuli. Shartli b.t. 7,0. Adadi 31 733 nusxa.
055-buyurtma.
Bahosi kelishilgan narxda.

Ushbu songa mas'ul – Sattarova Hulkara Ravshanovna

© "Xalq ta'limi axborotnomasi", 2016.